БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 249 (19.325). • 1985 йил 29 октябрь, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди шарафига

ДАСТЛАБКИ ДОВОН ЭГАЛЛАНДИ

Телефонда Ленинград район партия комитетининг биринчи секретари А. МИРАҲМЕДОВ:

— КПСС XXVI съезди ва партия Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларини оғишмай амалга ошираётган районимиз пахтакорлари йиллик планни бажардилар. Она-Ватанга 41300 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Ҳар гектар ер ҳосилдорлиги 31,1 центнерни ташкил этди. Эришилган меҳнат муваффақиятига Энгельс номли колхоз меҳнаткашлари айниқса, катта ҳисса қўшдилар. Бу ерда ҳозирга қадар пахта тайёрлаш бўйича йиллик план 115 процент адо этилди.

Ҳали далаларда ҳосил мўл. Районимиз миришкорлари бор куч ва имкониятларни ишга солиб, пешона тери эвазига етиштирилган ҳосилнинг бирор мисқолини ҳам нобуд қилмасдан йиғиб-териб олишни кўзлашмоқда. Уларнинг аҳди яна 3 минг тонна «оқ олтин» топшириб, КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездига муносиб армуғон тайёрлашдан иборат.

ДАВОМИЙЛИК ВА НОВАТОРЛИК

Марказий Комитетнинг 1985 йил октябрь Пленуми маъқуллаган Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг янги таҳриридаги Программаси лойиҳаси қеча матбуотда эълон қилинди. КПСС XXVII съездига тайёргарлик кўришнинг янги ва ғоят масъулиятли босқичи— партиянинг экономика ва сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан халқ билан катта ва бевосита маслаҳатлашув босқичи бошланди.

Лойиҳанинг умумпартия, умумхалқ муҳокамасида миллионлаб совет кишилари — коммунистлар ва партиясизларнинг иштирок этиши партияга ўзининг коммунизм сари йўлини яхшироқ текшириб олиш, жамиятимизнинг барча синфлари ва табақалари хоҳиш-иродасини, манфаатлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олиш имконини беради. КПСС ленинча анъаналарга амал қилиб, совет жамияти тарихининг ҳозирги масъулиятли, бурилиш палласида коллектив тажрибага таяниб, мамлакатнинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришни амалга ошириш учун халққа мурожаат этиб, маслаҳат сўрамоқда.

КПССнинг бош назарий ва сиёсий ҳужжати — партиянинг янги таҳриридаги Программаси лойиҳаси марксизм-ленинизм ғояларининг ғоят бой хазинасидир, коммунистлар, совет кишилари барча авлодлари тарихий тажрибасини илмий умумлаштириш якунидир. Муҳокамага қўйилган ҳужжат партия ташкилотлари, меҳнат коллективлари, кенг жамоатчилик табақалари қилган катта ишнинг натижасидир. Бу — партиямиз, социалистик тузумимиз чинакам демократик табиатининг ёрқин далилидир.

Партия ўз ишида таяниб келаётган энг муҳим назарий ва сиёсий йўл-йўриқларинг давомийлиги— лойиҳанинг ўзига хос хусусиятидир. Бундай давомийлик— партия назарияси ва сиёсати принципиаллиги ва изчиллиги, унинг марксизм-ленинизмга содиқлиги масаласидир. Шу билан бирга изчиллик ва давомийлик партия назарияси, стратегияси ва тактикасини ижодий ривожлантиришни, партия фаолиятининг энг муҳим соҳаларидаги новаторларча изланишни, учинчи Программа қабул қилинганидан кейин ўтган чорак аср мобайнида рўй берган ўзгаришларни ҳисобга олишни назарда тутади.

КПССнинг янги таҳриридаги Программаси лойиҳаси марксизм-ленинизмнинг мустаҳкам пойдеворига, мамлакатнинг ички ва халқаро аҳволини реалистик таҳлил этишга асосланади. Унда партия, совет давлати, бутун халқ ишининг стратегик йўналишлари аниқ ва батафсил таърифлаб берилган.

КПССнинг пировард мақсади— коммунизм қуришдан иборат. Бу мақсад меҳнат аҳлининг энг порлоқ идеаллари ва орзу — умидларини ифодалайди, инсониятнинг энг заковатли намояндалари асрлар бўйи шуни орзу қилиб келган эдилар. Лойиҳада коммунистик формациянинг олий фазаси нишоналари чизиб берилган.

Коммунизм — ишлаб чиқариш воситалари ягона умумхалқ мулки бўлган, жамиятнинг барча аъзолари тўла социал тенглик олган синфсиз ижтимоий тузумдир, бу жамиятда одамлар ҳар томонлама камол топиши билан бирга доим ривожланиб борувчи фан ва техника асосида ишлаб чиқарувчи кучлар ҳам ўсиб етишади, ижтимоий бойликнинг ҳамма манбалари азим дарё каби айқириб оқади ва «Ҳар кимдан — қобилиятига яраша, ҳар кимга— эҳтиёжига яраша» деган буюк принцип рўёбга чиқади. Коммунизм—эркин ва онгли меҳнатчиларнинг юксак даражада уюшган жамияти бўлиб, унда ижтимоий ўз-ўзини бошқариш қарор топади, жамият манфаатлари йўлидаги меҳнат ҳамма учун биринчи ҳаётий эҳтиёж, англаб олинган зарурат бўлиб қолади, ҳар бир кишининг қобилияти халқ учун энг кўп фойда келтирадиган тарзда қўлланилади.

Партия ўз сиёсатини, иқтисодий ва социал стратегиясини, ташкилотчилик ва идеология иши вазифаларини коммунистик истиқбол билан доимо таққослаб туради.

КПСС шунга асосланиб иш тутадики, коммунистик формациянинг икки фазаси ўртасида кескин фарқ йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Жамият тараққиётининг объектив қонунлари социализмнинг ўсиб коммунизмга айланиши заруратини белгилаб беради. Бу соҳада олдинга шошилиб ўтиб кетишга ҳам, шунингдек етук вазифаларни ҳал этишда суст кашликка ҳам йўл қўйиб бўлмайди.

КПССнинг ҳозирги таҳриридаги учинчи Программаси, деб уқтирилади лойиҳада, — социализмни планли равишда, ҳар томонлама такомиллаштириш, мамлакатнинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш асосида совет жамиятини коммунизм сари янада олға силжитиш Программасидир, у— тинчлик ва социал тараққиёт учун кураш Программасидир.

Партиянинг ҳозирги йўли моҳияти мамлакатнинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш концепциясини ифодалайди. Партия ҳозир шу концепция билан халққа пешвоз чиқмоқда, шу Программа билан у навбатдаги XXVII съездга ҳозирлик кўрмоқда.

Ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларида Коммунистик партия, совет халқининг фаолияти мақсад ва вазифаларини белгилаб берувчи программа қоидаларига шу концепция асос қилиб олинган. Мамлакатнинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш орқали жамиятнинг сифат жиҳатидан янги ҳолатига эришиш — КПССнинг янги таҳриридаги Программаси лойиҳасининг энг муҳим ғоясидир.

Иқтисодий стратегия соҳасида бу — ишлаб чиқарувчи кучлар ҳар томонлама ривожланган, социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари етилган, хўжалик механизми яхшилаб созланган юксак ташкилот ва самарадорлик экономикасига ўтишни таъминлаш демакдир. 2000 йилнинг охиригача мамлакатнинг ишлаб чиқариш қудратини икки ҳисса оширишга эришиш, уни сифат жиҳатидан тубдан янгилаш керак. Бу ўзгартишлар аввало фан-техника тараққиётини жадаллаштириш негизида амалга оширилади. Фан тўла-тўкис бевосита ишлаб чиқарувчи куч бўлиб қолади.

Социал соҳада бу — совет кишиларининг турмуш ва меҳнат шароитларини муттасил яхшилаш демакдир; ижтимоий муносабатларнинг барча асосий соҳаларида социал адолат принципининг тобора тўлиқ амалга оширилиши; синфлар ва социал группалар ҳамда табақаларнинг ўзаро яқинлашиши, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги муҳим тафовутларнинг тугатилиши демакдир; миллий муносабатларни такомиллаштириш, мамлакатдаги барча миллат ва элатларнинг қардошларча дўстлигини мустаҳкамлаш демакдир.

Сиёсий соҳада бу — давлат ва жамоат турмуши масалаларини ҳал этишда меҳнаткашлар, уларнинг коллективлари ва ташкилотлари кун сайин, актив ҳамда амалий қатнашиши асосида совет демократиясини такомиллаштириш, халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқаришини тобора тўлиқ амалга ошириш демакдир.

Маънавий соҳада бу — маънавий бойлик, ахлоқий поклик ва жисмоний камолотни ўзида мужассамлаштириб, уйғун равишда вояга етган, ижтимоий актив шахсни шакллантириш демакдир. Лойиҳада ғоявий-тарбиявий иш, халқ маорифи, фан, маданий қурилиш, адабиёт ва санъат соҳасида конкрет вазифалар қўйилган.

Лойиҳанинг бутун мазмуни шундан далолат беради: яхши ва пухта ўйланган иқтисодий стратегия, кучли социал сиёсат ва собитқадам ғоявий-тарбиявий ишни чамбарчас боғлаган тақдирдагина инсон омилини активлаштириш мумкин, шундай қилмай туриб ўртага қўйилган вазифаларнинг бирортасини ҳал этиб бўлмайди, чунки тарихий мақсадлар миқёси нақадар кенг бўлса, миллион-миллион кишиларнинг шу мақсадларга эришишда омилкорларча манфаатдорлик билан, онгли ва актив қатнашиши шу қадар муҳимроқ бўлиб қолади.

Янги таҳриридаги Программада жаҳон тараққиётининг асосий тенденциялари акс эттирилган, ҳозирги даврнинг батафсил таърифи берилган. Бу давр социалистик революциялар, капитализмдан социализмга ва коммунизмга ўтиш, икки жаҳон социал-сиёсий системаларининг тарихий мусобақаси давридир, миллий-озодлик революциялари даври ва мустамлакачилик емирилиши давридир, ижтимоий тараққиётнинг бош ҳаракатлантирувчи кучлари — жаҳон социализми, ишчи ва коммунистик ҳаракат, озодликка чиққан давлатларнинг халқлари, оммавий-демократик ҳаракатларнинг империализмга, унинг агрессия ва зулм сиёсатига қарши, демократия ва социал тараққиёт учун кураши давридир.

Ленин партияси Программасининг ҳар бир сатри урушнинг олдини олишга, Ер юзида тинчликни қарор топтиришга, турли ижтимоий тузумдаги давлатлар тинч-тотув яшаши принципларининг тантанасига қаратилган. Лойиҳада шу олижаноб мақсадга эришишга қаратилган аниқ-равшан таклифлар баён этилган.

Совет коммунистлари социалистик мамлакатлар билан дўстона алоқаларни ва ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқдалар. КПСС бошқа қардош партиялар билан биргаликда бирликни мустаҳкамлаш, социалистик ҳамдўстликнинг қудрати ва таъсирини кучайтиришни ўзининг интернационал бурчи деб ҳисоблайди.

Социал тараққиёт ва миллий озодлик кучларининг мустаҳкам иттифоқи— инсоният порлоқ келажагининг гаровидир. Бизнинг партиямиз озодликка эришган халқларнинг доимо ошиб бораётган таъсири мустамлакачилик қолдиқларига қарши, тинчлик ва ялпи хавфсизлик учун кураш ишига тобора кўпроқ мос бўлиб тушишига интилмоқда.

КПСС — халқаро коммунистик ҳаракатнинг таркибий қисмидир. Партиямиз жаҳон ишчилар ҳаракати ва унинг авангарди олдидаги ўз тарихий масъулиятини чуқур англаб, муштарак революцион идеалларни, пролетар интернационализми принципларини бундан буён ҳам қаттиқ туриб ҳимоя қилаверади, марксизм-ленинизм таълимотининг поклиги учун, догматизмга ва ревизионизмга, буржуа идеологиясининг ишчилар ҳаракатига ҳар қандай таъсирларига қарши изчиллик билан курашаверади.

Жамиятимизнинг раҳбар ва етакчи кучи, омма тарихий ижодкорлигининг илҳомчиси ва ташкилотчиси — Коммунистик партия ишчилар синфининг, бутун халқнинг партиясидир. Янги тарихий шароитларда унинг роли қонуниятли равишда орта боради. Партиянинг сиёсий ва ташкилотчилик фаолияти даражасига, ҳар бир коммунистга нисбатан янада юксакроқ талаблар қўйилади.

КПСС жамиятга сиёсий раҳбарлик қилар экан, синалган принципларни бундан буён ҳам изчиллик билан қўллаверади, аввало партияга аъзоликнинг ленинча принциплари, демократик централизм, коллективчилик, пролетар, социалистик интернационализм принциплари шулар жумласига киради. У ўзининг кундалик ишида партиявий ишдаги, давлат ва хўжаликни бошқаришнинг ҳамма соҳаларидаги ленинча услубни қарор топтираверади, ўз сиёсатининг илмий асосланганлигини оширавераді; омманинг, коллектив ақл-заковатига ва тажрибасига кенг миқёсда таянади, омманинг ижтимоий ташаббусини ривожлантиради. Партия ғоявий-назарий, сиёсий-тарбиявий, ташкилотчилик ва хўжалик фаолиятининг бирлигига, ҳар қандай турғунлик ва консерватизмга қарши муросасиз курашишга, социал-иқтисодий, илмий-техникавий ва ғоявий-тарбиявий проблемаларни замонавий тарзда ҳал этиш йўлларини ижодий қидиришга принципиал аҳамият беради.

Энди партия ташкилотлари олдида янги таҳриридаги Программа лойиҳасини партия йиғилишларида, район, шаҳар, область, ўлка конференцияларида, иттифоқдош республикалар компартияларининг съездларида кенг миқёсда муҳокама қилиш вазифаси турибди. Оммавий ахборот воситалари муҳокамаининг умумхалқ минбари бўлиб қолишлари керак. Бу— масъулиятли сиёсий кампаниядир. Лойиҳани муҳокама, пропаганда қилиш ва тушунтириш ошкора ва амалий характерда бўлиши, уюшқоқлик билан мазмундор, дабдабабозликсиз ва шовқин—суронсиз ўтказилиши, совет халқини Коммунистик партия теварагида янада маҳкамроқ жипслаштиришга, меҳнаткашларнинг социалистик жамиятни такомиллаштириш вазифалари ва истиқболларини чуқур тушунишларига, унинг янги сифат ҳолатига эришишга кўмаклашиши лозим. 1985 йил планини ва умуман беш йилликни тугаллаш соҳасидаги амалий иш, интизом ва тартибни мустаҳкамлаш, фан ва илғор тажриба ютуқларини жорий қилиш, иқтисодий тежашни кучайтириш, виждонан қилинган ҳалол меҳнатнинг обрўсини ошириш масалалари диққат марказида туриши лозим.

Партия коммунистлари, барча меҳнаткашларни — ишчилар, колхозчилар, зиёлиларни мана шу жуда муҳим съездолди ҳужжатини муҳокама қилишга актив қўшилишга чақиради. Бironта фойдали фикр, бironта амалий таклиф эътиборсиз қолмаслиги керак. Узнинг XXVII съездига ҳозирлик кўраётган КПСС ўртага қўйилган ҳамма вазифалар ҳал этилишига, белгиланган марраларга эришилишига ишонч билдиради.

(«Правда» газетасининг 27 октябрдаги бош мақоласи).

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИГА, КОММУНИЗМ ИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАЙЛИК

Ўзбекистон ёзувчиларининг IX съезди

Коммунистик қурилиш практикасига муносиб бўлган, совет кишилари авлодларини марксизм-ленинизм, ватанпарварлик ва пролетар интернационализми ғояларига садоқат руҳида тарбияловчи сермазмун, юксак бадиий асарлар яратиш— кўпмиллатли Ватанимиз адабиёти, унинг таркибий қисми бўлмиш Совет Ўзбекистони адабиёти ҳам ҳал этаётган бош вазифалардир.

Ўзбекистон ёзувчиларининг 28 октябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган IX съездида беш йиллик фаолият якунлари ҳамда республика ёзувчилари олдида турган актуал вазифалар кўриб чиқилди.

Съездни Ўзбекистон ССР халқ шоири Уйғун очди.

КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг съездга табрикномасини топширди.

Ўзбекистон ёзувчиларининг съезди — республикамиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеадир, —деди ўз нутқида И. Б. Усмонхўжаев.— Унинг аҳамияти профессионал союз доираси билангина чекланмайди. Бунинг сабаби равшан: адабиёт — ҳаёт кўзгусидир, ўз замонининг солномачиси бўлиш, замондошимизни маънавий жиҳатдан бойитишда партиянинг ишончли ёрдамчиси бўлиш эса совет ёзувчисининг бош вазифасидир. Республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари Сизларнинг олижаноб меҳнатингизни ғоят қадрлайдилар. Сизлар ўз санъатингиз билан давримизнинг юксак идеалларини қарор топтирясизлар.

Сизлар партия билан халқ КПСС XXVII съездига тайёргарлик кўраётган жуда масъулиятли даврда тўпландингиз, бу съезд совет жамиятининг коммунизм сари олға силжишида жуда муҳим ўрин олади.

В. И. Ленин революцион партиянинг вазифаларини белгилар экан, меҳнаткашларга «демократик ва социалистик идеалимизнинг бутун улуғлигини ва унинг бутун жозибасини» кўрсатиб беришга чақирган эди. Ҳозир бу идеал КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил октябрь Пленумида маъқулланган ҳужжатларда ўзининг реал ифодасини топмоқда.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг янги таҳриридаги Программаси лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинди. КПССнинг мана шу энг асосий назарий ва сиёсий ҳужжати марксизм-ленинизм ғояларининг жуда бой хазинаси бўлиб, илмий коммунизм назарияси ва практикасига қўшилган буюк ҳиссадир. Чуқур реализм ва келажак истиқболини ленинча дадил башорат қилиш, социализмни такомиллаштириш ва коммунизмга ўтиш йўлларини белгилаш бу ҳужжатнинг руҳига сингдириб юборилган.

Партия социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш орқали совет жамиятининг сифат жиҳатидан янги ҳолатига эришишдан иборат новаторлик йўлини ҳар томонлама асослаб берди. Тарихий миқёсда улуғвор ўзгартишлар қилинади. Халқ хўжалигини янги техника асосида реконструкция қилиш, уни интенсив ривожланиш изларига кўчириш, совет экономикасини олий ташкилот ва самарадорлик поғонасига кўтариш мана шу ўзгартишлар жумласига киради. Келгуси ўн беш йил мобайнида ўз миқёси жиҳатидан совет ҳокимиятининг ўтган ҳамма йиллари мобайнида ўрнатилган иқтисодий қудратга тахминан тенг келадиган потенциал барпо этиш мўлжалланмоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси инсонга, инсоннинг бахт-саодатига хизмат қилади.

Программанинг идеология иши соҳасидаги йўл-йўриқлари ҳам социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш билан чамбарчас боғланган. Одамларни марксизм-ленинизм ғоялари руҳида янада самаралироқ тарбиялаш, ҳаққоний сўз ва реал иш билан тарбиялаш, сиёсий маорифни, ғоявий таъсирни иқтисодий ва социал масалаларни ҳал этишда, давлатни, ишлаб чиқариш ва жамоат ишларини бошқаришда меҳнаткашларнинг тобора кенг иштироки билан бирлаштириш вазифаси қўйилди.

Совет жамияти турмушининг ҳамма соҳаларини тубдан қайта қуриш зарурлигини КПСС Марказий Комитети Бош секретари Михаил Сергеевич Горбачев ўз докладлари ва нутқларида ғоят аниқ ва равшан асослаб берди. У партия ўртага қўйган вазифалардан бironтасини инсон омилини кучайтирмай туриб, ҳал этиб бўлмаслигини таъкидлади. Мана шу ишда партия адабиёт ва санъатга, барча ижодкор зиёлиларга катта умидлар боғламоқда.

Ленинча маданий сиёсат принципларига садоқатли партия санъаткор зиёлиларга сезгирлик ва меҳрибонлик билан қарамоқда, уларни коммунистик бунёдкорликнинг энг муҳим вазифаларини ҳал этишга йўналтирмоқда.

КПСС Программасининг лойиҳасида социалистик реализм адабиёти ва санъатининг Советлар Ватани буюк кўпмиллатли маданиятига қўшган ҳиссасига юксак баҳо берилган. Адабиёт ва санъат зиммасига тарихий зафарларга бой социалистик воқеликни, улуғвор социал-иқтисодий ва маънавий ўзгаришларни, совет кишиси ички дунёсининг гўзаллигини, халқларнинг бузилмас дўстлигини бадиий воситалар билан акс эттиришдек бениҳоя олижаноб вазифа юкланади.

(Давоми иккинчи бетда).

Ўзбекистон ёзувчиларининг IX съезди. Суратда: съезд меҳмонларидан М. Қаноат (Тожикистон), А. Ильченко (Украина), А. Иванов (Москва), К. Турсунқулов (Қозоғистон) ва Ўзбекистон ССР халқ шоири Уйғун.
В. Молгачев ва С. Маҳкамов фотоси.

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидаги районлар республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилди:

Бағдод райони — район партия комитетининг секретари Т. Имомалиев, район ижроия комитетининг раиси Қ. П. Ҳошимов, район агросаноат бирлашмаси кенгашининг раиси С. Ахмадқулов, райсельхозтехника бошқарувчиси С. Тожибоев, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи М. Маҳмудов, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси М. Турсунов, район комсомол комитетининг секретари Х. И. Ҳошимов;

Уйчи райони—район партия комитетининг секретари С. Тошпўлатов, район ижроия комитетининг раиси Т. К. Шерматов, район агросаноат бирлашмаси кенгашининг раиси С. Жўраев, райсельхозтехника бошқарувчиси Х. Умарбоев, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи С. Юсупбоев, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси Д. Абдуллаев, район комсомол комитетининг секретари О. Н. Отахонов;

Тўрақўрғон райони—район партия комитетининг секретари К. Мамарасулов, район ижроия комитетининг раиси И. А. Раҳмонқулов, район агросаноат бирлашмаси кенгашининг раиси О. Бозоров, райсельхозтехника бошқарувчиси С. Ғаппоров, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи И. Исмоилов, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси А. Қирғизов, район комсомол комитетининг секретари З. Юнусова;

Задарё райони — район партия комитетининг секретари А. Аширов, район ижроия комитетининг раиси Ю. Насимжонов, район агросаноат бирлашмаси кенгашининг раиси И. Собиров, райсельхозтехника бошқарувчиси Б. Мамадалиев, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи С. Усмонов, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси К. Ҳолдоров, район комсомол комитетининг секретари В. В. Кукшин;

Ленинград райони — район партия комитетининг секретари А. Мирахмедов, район ижроия комитетининг раиси О. Б. Эргашев, район агросаноат бирлашмаси кенгашининг раиси А. Нишонов , райсельхозтехника бошқарувчиси С. Ғофуржонов, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи З. Назаров, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси А. Асқаров, район комсомол комитетининг секретари М. Азимова.

XXVII „ОҚ ОЛТИН" *хирмонига*

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 28 октябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

Фарғона	1,05	97,91	0,11	34,99
Наманган	1,16	95,83	1,42	77,48
Тошкент	0,80	94,60	0,38	99,36
Хоразм	0,62	87,35	0,66	45,28
Сирдарё	1,45	83,80	1,12	99,79
Андижон	1,05	82,28	0,67	51,70
ҚҚАССР	1,06	81,45	0,74	67,01
Сурхондарё	1,13	81,33	0,64	82,46
Бухоро	0,65	79,29	0,10	15,61
Жиззах	1,06	73,28	0,56	76,56
Навоий	0,82	73,03	0,43	41,00
Самарқанд	1,10	67,66	0,31	41,18
Қашқадарё	1,16	57,04	0,87	40,42
Республика бўйича:	1,03	81,06	0,62	60,09
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
СУРХОНДАРЁ	2,01	127,99	1,35	143,31
НАМАНГАН	0,78	101,02	—	—
Бухоро	1,23	61,61	—	—
Қашқадарё	1,71	45,31	1,79	37,24
Навоий	1,11	42,03	0,82	8,11
Республика бўйича	1,82	94,45	1,41	96,60

М. С. Горбачев Р. Ганди билан учрашди

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев юртига бора туриб Москвада тўхтаган Ҳиндистон Бош министри Ражив Ганди билан 26 октябрь куни Кремлда учрашди.

Суҳбат чоғида Совет—Ҳиндистон муносабатларининг баъзи масалалари ва иккала томонни қизиқтирувчи актуал халқаро проблемалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Суҳбат қатнашчилари СССР билан Ҳиндистон ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартноманинг мустаҳкам негизида икки томонлама муносабатларни ривожлантиришнинг юксак даражасини қайд этдилар.

Иккала мамлакат ўз ўрталаридаги анъанавий дўстлик муносабатларини ва ҳар томонлама ҳамкорликни бутун чоралар билан кенгайтиришга, уларнинг халқаро майдондаги баҳамжиҳат ҳаракатларини совет ва ҳинд халқлари, Осиёда ва бутун дунёда тинчлик ҳамда хавфсизлик ишини мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида ривожлантиришга кўмаклашишга ўзаро интилаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

М. С. Горбачев Совет Иттифоқи ўртага қўйган амалий таклифларга эътиборни жалб этиб, бу таклифларнинг амалга оширилиши халқаро муносабатларни ривожлантиришда чинакам бурилиш бўлишига, Ер юзида қуролланиш пойгасини тўхтатишга ва космосда шундай пойгага йўл қўймасликка олиб бориши мумкинлигини уқтириб ўтди.

У Совет Иттифоқи ҳозир инсонят олдида турган ҳаётий энг зарур проблемалар одилона бартараф этилишига интилаверишга аҳд қилганлигини таъкидлади. М. С. Горбачев Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг яқинда бўлиб ўтган кенгаши тўғрисида ва кенгаш қатнашчилари олға сурган таклифлар ҳақида Бош министрга ахборот берди. Ҳиндистоннинг тинчлик ва халқаро хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ялпи куч-ғайратларга қўшаётган ҳиссаси юқори баҳоланди.

Р. Ганди Ҳиндистоннинг тинчлик ва тараққиёт ишига, халқлар мустақиллиги ва давлатларнинг тенг ҳуқуқли ҳамкорлиги ишига, қуролсизланиш ва ядровий фалокатнинг олдини олиш учун курашга қатъий содиқлигини айтди. У Совет Иттифоқи космосни ҳарбийлаштиришнинг олдини олишга ва стратегик ядро қуролларини тубдан қисқартиришга қаратилган таклифларининг муҳим аҳамиятини уқтирди.

Суҳбат дўстлик ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди.

(ТАСС).

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИГА, КОММУНИЗМ ИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАЙЛИК

(Боши биринчи бетда).

Совет Ўзбекистони адабиёти ва санъати кўпмиллатли совет адабиётининг, совет кўпмиллатли санъатининг таркибий қисми, қулф уриб қайнаб турган булоқларидан биридир, деб таъкидлади И. Б. Усмонхўжаев. Унинг ажойиб тарзда равнақ топаётганлиги сири ҳам мана шундадир. Ўзбек маданиятининг рус совет маданияти билан, СССР қардош халқлари маданияти билан анъанавий алоқалари чуқур томир ёйган. Бизнинг миллий адабиётимиз ва санъатимиз Бутуниттифоқ ҳамда чет эл китобхони ва томошабинига етиб борган. Бу — КПСС нинг доно миллий сиёсати натижасидир. Бунда мамлакат барча халқлари маданият арбобларининг катта хизмати бор.

Республика ёзувчилар ташкилоти — адабиёт усталарининг кучли ва ижодий актив отрядидир. У санъаткорларнинг кўпгина авлодларини ўзида бирлаштирган. Улар истеъдод билан ёзилган кўп асарлар яратишган. Ўзбек адабиётининг таниқли намояндалари — Ўзбекистон ССР халқ шоирлари Зулфия ва Ўйғунга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган фахрий унвон берилганлиги ўзбек адабиётининг юксак ютуқлари тақдирланганининг нишонаси бўлди. Ўзбек адабиётининг оқсоқоли Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Комил Яшиннинг Ҳамза тўғрисидаги романи кенг шуҳрат қозонди. Унинг китоби асосида яратилган кўп серияли телефильм мамлакатимизнинг барча республикаларидаги томошабинлар томонидан миннатдорчилик билан маъқуллаб кутиб олинди.

Халқнинг маданий савияси ўсган сайин адабиётнинг жамият турмушига, унинг маънавий — психологик иқлимига таъсири кучаймоқда. «Партия, — деб таъкидланади янги таҳрирдаги КПСС Программаси лойиҳасида, — адабиёт ва санъатнинг ролини оширишга ҳар томонлама ёрдам кўрсатаверади. Адабиёт ва санъат халқ манфаатларига, коммунизм ишига хизмат қилиши, миллионлаб кишилар учун қувонч ва илҳом манбаи бўлиши, уларнинг иродаси, туйғуси ва ўй-фикрини ифодалаши, уларнинг ғоявий жиҳатдан баркамол бўлишига ва маънавий жиҳатдан тарбиялашишга актив ёрдам бериши зарур».

Бутун совет халқи билан биргаликда республика меҳнаткашлари ҳозир ижобий ўзгаришлар руҳи билан, олға бориш муддаоси билан яшамоқдалар. Ўзларининг амалий ишларини КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель ва октябрь Пленумлари йўл-йўриқлари билан таққосламоқдалар. Шу йилги планни ва умуман беш йилликни тугаллаш, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш соҳасидаги амалий фаолият масалалари партия ташкилотларининг ва меҳнат коллективларининг диққат марказида турибди.

Республикада қудратли ишлаб чиқариш-техника потенциали барпо этилган. Аммо унинг имкониятларидан унчалик тўла-тўкис фойдаланилмаяпти. Вужудга келган аҳволнинг сабабларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми чуқур ва атрофлича очиб ташлади. Шу пленум қарорларига мувофиқ, партия, совет органлари ва жамоат ташкилотлари салбий ҳодисаларни, партия давлат ва меҳнат интизомини бузиш ҳолларини таг-туби билан тугатиш учун муросасиз кураш олиб бормоқдалар. КПСС Уставига ва совет қонунларига, партиявий ахлоқ нормаларига муттасил риоя этилиши учун талабчанлик оширилди.

Партия, совет, хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларини партия ишига садоқатли малакали ходимлар билан мустаҳкамлаш чоралари кўрилмоқда. Қўшиб ёзиш ва ўғирлик, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш, ахлоқий бузилиш йўлига кирган кишиларга принципиал баҳо берилмоқда. Ҳар бир коммунистга нисбатан ижтимоий бурчга муносабати, партия аъзосининг соф ва ҳалол қиёфаси учун талабчанлик кучайтирилди. Гап-сўзлар, ваъдалар камроқ бўлсин, реал ишлар, амалий натижалар, масъулият ва принципиаллик, одамларга эътибор, шахсий камтаринлик кўпроқ бўлсин, деган шиор барча кадрларни баҳолашнинг бош мезонидир.

Бундай йўл коммунистлар, меҳнаткашлар кенг табақалари томонидан қўллаб-қувватланмоқда ва маъқулланмоқда, уларнинг социал адолатга бўлган ишончини мустаҳкамлаб, республикада вазиятни қатъиян соғломлаштиришга кўмаклашмоқда.

Амалга оширилаётган ишлар сезиларли натижалар бермоқда. Бу йил ялпи ижтимоий маҳсулот ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 4,7; миллий даромад эса 4,5 процент кўпаяди.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш барқарор ўсмоқда. Бу йил 22 миллиард сўмликдан ортиқ саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилади. Ҳозирги пайтда саноат ишлаб чиқариши ва меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатлари беш йилликнинг ўтган йилларидагига нисбатан анча юқори эканлиги диққатга сазовордир.

Экономиканинг аграр секторида ва энг аввало, пахтачиликда ижобий силжишлар рўй бермоқда. Мана икки йилдирки, республикада хўжаликлар билан ҳисоб-китоб қилишнинг янги тартиби амал қилмоқда. Пахтанинг сифатига, ундаги тола сифатига қараб ҳақ тўлашга ўтиш маҳсулот турларини яхшилашга, сақлаш ва қайта ишлашда ҳосилнинг нобуд бўлишини кескин камайтиришга кўмаклашди. Тола олиш ўтган йилдагига нисбатан 4,6 процент кўпайди. 10 миллионлаб сўм фойда олинди.

Давлатга пилла топшириш социалистик мажбуриятлари ошириб бажарилди. Умумиттифоқ фондига бир миллион тоннадан ортиқ сабзавот, мева ва узум жўнатилди.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш юзасидан беш йиллик топшириғи анча ошириб бажарилади ва болаларга аталган хилма-хил моллар ишлаб чиқариш қарийб икки баравар кўпайиши жуда муҳимдир. Социал ривожланиш ва халқ фаровонлигини юксалтириш программаси изчил амалга оширилмоқда. Айни вақтда биз ҳали ҳамма ишлар қилинди, деб бўлмаслигини, эришилган ютуқлар билан қаноатланиб қолмаслигимиз керак-лигини аниқ тасаввур қиламиз. Айрим жойларда ишдаги қизғин вазиятни пасайтиришга уриниш ҳоллари пайдо бўлди. Кўпгина корхоналар ва ҳатто айрим тармоқлар ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсишини таъминловчи натижаларга эриша олмадилар. Меҳнат унумдорлигини ўстириш проблемаси ғоят кескин бўлиб турибди. Бу вазифани ҳал этиш учун бизда замонавий техника, яхши тайёргарликдан ўтган кадрлар мавжуд. Бироқ саноат корхоналари, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ташкилотларининг ҳали анчагина қисми белгиланган топшириқларни бажармаяпти. Ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг паст даражада эканлиги, пландан ташқари ходимлар бўлиши энг аввало бунга сабаб бўлмоқда.

Маҳсулот сифатини ошириш масалалари меҳнатни тежаш билан мустаҳкам боғланган. Кейинги вақтда бу борада яхшилик сари бурилиш сезилди. Аммо ишлаб чиқарилаётган буюмлар, ишлар ва айрим хизмат турларининг сифати паст даражада эканлиги тўғрисида ҳали кўплаб шикоятлар тушмоқда.

Бошқа бир муҳим проблема — бу капитал қурилишда ишларни тубдан яхшилашдир. Республикада капитал маблағлар сарфлаш самарадорлиги қариб паст даражада қолмоқда, объектлар муддатидан кечиктирилиб ва чала ҳолда топширилмоқда. Уй-жойларнинг айниқса, Тошкент шаҳрида қурилаётган уй-жойларнинг сифати паст эканлиги тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига кўплаб шикоятлар келиб турибди.

Агросаноат комплекси самарадорлигини ошириш тўғрисида доимий ғамхўрлик қилишимиз зарур. Давлат экономиканинг ана шу секторини ривожлантиришга маблағларни аямайди. Бироқ асосий фондларнинг ҳар бир сўми ҳисобига маҳсулот етиштириш ўтган беш йилликдагига нисбатан қарийб икки баравар камайди.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистоннинг улкан пахта хирмони учун кураш қизғин бормоқда. Пахтани машинада йиғиштириб олишга қарши кайфиятларни бартараф этганимизда ҳосил тайёрлаш суръатлари бундан ҳам юқорироқ бўлур эди. Масалан, Бухоро областида машина терими плани атиги 15 процент бажарилди. Қашқадарё областида ҳам машина теримига яхши тайёргарлик кўрилмади. Биз ана шу областларга Тошкент областидан 600 нафар механик-ҳайдовчини юборишга мажбур бўлдик.

Айни вақтда кўпгина хўжаликлар, бутун-бутун районлар ва областларнинг тажрибаси шуни кўрсатиб турибдики, техника тараққиёти аҳамиятини яхши англаб, пахта териш машиналаридан самарали фойдаланилаётган жойларда теримни қисқа муддатларда тамомлаб, пахтани юқори навларга топширмоқдалар ва яхши иқтисодий натижаларга эришмоқдалар.

Ҳозиргача 4 ярим миллион тоннадан ортиқ пахта тайёрланди. Биз ўзимизнинг ватанпарварлик ва интернационал бурчимизни адо этиш — Ватанга 5 миллион 700 минг тоннадан ортиқ пахта топшириш учун барча имкониятларга эгамиз.

Савдо ва маиший хизмат ходимлари олдида кўпгина муаммолар турибди. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш айниқса муҳимдир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети мана шу барча муаммоларни доимо назарда тутиб, камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этиш, экономикани ривожлантиришнинг интенсив йўлига ўтказиш юзасидан қатъий чоралар кўрмоқда. Партия ташкилотларининг барча кучлари ҳамма жойда фан ва илғор тажриба ютуқларини жадал жорий этишга, тежамкорлик режимини кучайтириб, масъулият ва интизомни оширишга, бошқариш механизмини такомиллаштиришга, иш услубини, одамларни ғоявий-сиёсий ва маънавий жиҳатдан тарбиялашни тубдан яхшилашга қаратилган.

Сиз, ёзувчилар ҳам коммунистлар, меҳнат коллективлари ҳал этаётган ишлардан четда турмаслигингиз керак. Вазифа шўндан иборатки, адиблар республиканинг Ватан куч-қудратини мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссасини кўпайтириш учун пахтакорлар, барча меҳнаткашлар олиб бораётган курашда янада актив иштирок этишлари лозим. Ташаббускорликни, ишга ижодий муносабатда бўлишни, новаторликни, жамият манфаатлари йўлидаги юқори малакали, серунум меҳнатни яққол кўрсатиб бериш, партиянинг социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришга қаратилган йўлини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни кенг кўламда ва ўткир қилиб, ўртага қўйиш зарур.

Давр ёзувчилардан ҳаёт билан, халқ билан янада мустаҳкам узвий алоқада бўлишни қатъий талаб қилмоқда. Бу, адабиётнинг воқелигимизни унинг бутун ранг-баранглигида ҳаққоний акс эттиришнинг энг биринчи шартидир. Шу муносабат билан Максим Горькийнинг «Санъаткор — ўз мамлакати, ўз синфининг жарчиси, унинг кўз-қулоғи ва қалбидир; у ўз даврининг овозидир», деб айтган сўзларини эслатиб ўтаман.

Тўлақонли ижобий қаҳрамон образи — актив гражданлик позициясидаги инсон образини яратиш ғоят заруллиги, аниқса, сезилмоқда. Бу бадиий адабиётнинг вазифасигина бўлиб қолмай, шу билан бирга сиёсий ва эстетик вазифа, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, идеологик ишларни янада такомиллаштиришдан иборат умумпартиявий ишнинг муҳим қисми ҳамдир.

Давримизнинг асл қаҳрамонларини кундалик ва қийин, айни вақтда шарафли ишлар амалга оширилаётган жойлардан излаш керак. Турмушда бу қаҳрамонлар — жуда оддий кишилардир. Улар ўзлари амалга оширган жасоратли ишларни бурчларини бажариш, деб биладилар. Яқинда Қашқадарё областининг Нишон районидаги 11-совхозда мен бригада бошлиғи Қумрихон Йўлдошева билан учрашдим. У қалб амри билан Наманган областидан қўриққа кўчиб келди ва бошқа пахтакорлар билан биргаликда фидокорона зўр ғайрат билан ишламоқда. Бундай кишилар давримизнинг қаҳрамонларидир. Улар ҳақида ёзиш керак, — деди нотиқ.

Маданият усталари ватанпарварлик ва интернационал тарбияга янада катта ҳисса қўшишлари керак. Адабиётимиз бу олижаноб мавзуни ёритишда бой тажриба тўплаган. Ана шу мавзуни бадиий жиҳатдан тадқиқ этишни давом эттириш жуда муҳимдир.

Бунинг учун материаллар кўпдир. Республика вакиллари РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонасини ўзлаштиришда, БАМ қурилишида ва Тюмень областида автомобиль йўлларини қуришда зўр ғайрат билан иштирок этаётганликлари ҳаммамизни қувонтиради. Бундай ишларнинг кўлами кенгайиб бориши лозим. Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси Ноқоратупроқ зона областларига ёрдамни кучайтириш, ғарбий Сибирнинг нефть-газ чиқадиган районларида уй-жой қурилишини ташкил этиш вазифасини ўртага қўйди. Келгуси йилнинг ўзидаёқ бу ерда 30 миллион сўмлик уй-жой социал-маданий-маиший объектлар билан биргаликда қурилади. Партиянинг даъвати, қалб амри билан у ерга Ўзбекистон меҳнаткашларидан 15-20 минг киши жўнаб кетади. Бу — бизнинг юксак интернационал бурчимиздир ва шубҳа йўқки, Сизларнинг ана шу мавзудаги асарларингиз одамлар қалбидан муносиб жой олади.

Ёт идеология ва ахлоқ кўринишларига, барча салбий ҳодисаларга қарши кураш — коммунистик тарбия соҳасидаги ишнинг таркибий қисмидир. Ҳамма жойда янгилик ва эскилик ўртасида кескин кураш бормоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳамма жойда партия турмушининг ленинча нормаларини, ижодий изланиш муҳитини, ўз-ўзини танқид ва ишчанлик руҳини қарор топтириш учун кўпгина қийинчиликларни бартараф этишига тўғри келмоқда. Қонунларимизни, социал адолат принципларини бузаётган кишилар муносиб жазоланмоқда. Шу билан бирга порахўрлик, чайқовчилик, қўшиб ёзиш, халқ мулкини талонторож қилишдек шармандали ҳоллар ҳали ҳам учраб турибди. Меҳнаткашларнинг кўпчилиги учун бундай салбий ҳолатлар ётдир, албатта. Бироқ бундай ҳолатларни сезмаслик, айниқса уларга нисбатан бепарво бўлиш ютўғри бўлур эди. Чунки бундай салбий ҳолатлар замирида катта социал иллат ётиринган бўлиб, улар одамлар қалбини жароҳатлайди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари социалистик турмуш тарзига зид кўринишларга нисбатан муросасиз бўлишни талаб қилади. Тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш учун кураш вақтинчалик кампания эмас. Сиёсатда ҳам, адабиётда ҳам асосий қуролимиз — ҳақиқатдир. Ютуқларимиз тўғрисида ҳам, камчиликларимиз ҳақида ҳам ошкора гапириш керак. Социализмнинг кучи — омманинг онглилигида эканини таъкидлаб, В. И. Ленин бизларни ана шунга ўргатган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бундан буён ҳам ўз йўлини қатъий ва изчиллик билан ўтказаверади. Республика коммунистлари, меҳнаткашлари барча қийинчиликларни бартараф этиб, ўз иродаси мустаҳкамлигини, эътиқод ва характери қатъийлигини исботлайдилар. Барча эскирган, салбий жиҳатларга қарши мана шу курашда биз Сизларнинг актив иштирокингизга таянамиз. Истиқболда қиладиган ишларимиз жуда кўп. Янги урф-одатлар ва расм-русумларни жорий этиш, диний сарқитларга, эскирган одатлар ва анъаналарга қарши курашни авж олдириш жуда катта аҳамиятга эгадир. Қишлоқда турмуш маданиятини ошириш ғоят муҳимдир. Республика миқёсида мана шу барча ишларни мувофиқлаштириш ва яхшилаш учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузурида яқинда социалистик турмуш тарзини такомиллаштириш масалалари билан шуғулланувчи кенгаш ташкил этилди.

Биз республика ёзувчилари бу ишда ўз асарлари ва ишлари билан қатнашадилар, деб умид қиламиз. Узоқ даврга мўлжалланган иш бўлиб, янги-янги ижодий кучларни жалб этишни талаб қилади. Шонли қишлоқ меҳнаткашларимизнинг турмуш тарзини ўзгартириш соҳасида Ёзувчилар союзи, бошқа ижодий ташкилотларнинг оталиғини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлур эди, деб ўйлайман.

Ёшларни тарбиялаш, авлодларнинг партия ва халқнинг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарига ворислигини актив қарор топтириш — ёзувчиларнинг энг муҳим бурчидир. Болалар ва ўсмирларга аталган китоблар юксак маънавий гўзаллиги билан ўқувчиларни ўзига жалб этишини, инсоний олижаноблик идеалларини қарор топтириб, меҳнат йўлини тўғри танлашларига кўмаклашишини истаймиз.

Ижодий союзларнинг бошланғич партия ташкилотлари маданият усталарининг масъулиятини оширишда катта роль ўйнайдилар. Партия бюроси, коммунистлар адибларнинг ижтимоий активлигини оширишга, уларнинг ғоявий савиясини кенгайтиришга ва профессионал маҳоратини такомиллаштиришга кўмаклашадиган вазиятни вужудга келтиришлари зарур.

Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюросида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларини бажариш юзасидан республика Кинематография давлат комитети партия ташкилотининг иши тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Муҳокама киносценарийчиларнинг ғоявий ва профессионал савиясини ошириш зарурлигини кўрсатди. Айни вақтда киносценарийлар ёзишда ёзувчилар союзининг 620 аъзосидан атиги 10 киши иштирок этмоқда. Биз халқ учун зарур бўлган бадиий ва ҳужжатли фильмлар яратишга адиблар муносиб ҳисса қўшадилар, деб кутамиз.

Адабий танқид савиясини анча ошириш зарур. Ижтимоий проблемаларни партиявийлик ва халқчиллик ленинча принциплари асосида чуқур идрок қилиш, ғоясизлик ва ғўрликка қарши кураш — адабий танқиднинг бош йўналишларидир.

Ёш ёзувчиларни тарбиялаш алоҳида эътиборни талаб қилади. Улар кекса авлод ёзувчилари билан биргаликда классик меросни ижодий ўрганишлари, кўпмиллатли адабиётимизнинг анъаналарини муносиб ривожлантиришлари зарур.

Адабиётни ривожлантиришда партиянинг бош йўлини оғишмай ўтказиш: унинг халқ ҳаёти билан алоқасини мустаҳкамлаш, воқелигимизни ҳаққоний ва бадиий жиҳатдан юксак даражада акс эттириш, янгиликни жўшқинлик билан ва яққол очиб бериш, олға томон ҳаракатимизда бизга ҳалақит бераётган барча нарсаларни шафқатсиз фош этиш — Ёзувчилар союзи правлениеси, унинг партия ташкилотининг бурчидир.

Партиянинг инсон омилини бутун чоралар билан активлаштиришга қаратилган йўли ижод учун, хилма-хил реалистик формалар, услублар ва жанрларни янада ривожлантириш учун кенг имконият яратиб беради.

Съездингиз КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди арафасида республика бадиий сўз санъаткорлари ишининг, уларнинг ҳамиша ва ҳамма жойда партия ўртага қўйган вазифалар даражасида бўлишга сафарбарлигининг талабчан кўриги бўлиши керак. Бу эса ишингизнинг асосий негизи, асосий мазмуни бўлиб қолиши лозим.

И. Б. Усмонхўжаев пировардида республика ёзувчилари, барча маданият арбоблари бундан буён ҳам партиянинг актив ва содиқ ёрдамчилари бўлиб қоладилар, кўпмиллатли совет маданияти буюк хазинасига, коммунистик бунёдкорлик ишига ўзлари қўшадиган ҳиссани кўпайтирадилар, деб ишонч билдирди.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Ў. Р. Умарбеков правлениенинг съездга ҳисобот докладини қилди.

У Ўзбекистоннинг ҳозирги адиблари ижодида революционер шоир Ҳамза, Ғ. Ғулом ва Ойбек, Ҳ. Олимжон, А. Қаҳҳор ва бошқа ажойиб сўз усталари асос солган шонли анъаналар давом эттирилганлигини уқтириб ўтди. Ҳозирги замон ўзбек адабиётига хос хусусиятлар мамлакат ва халқ ҳаёти билан маҳкам алоқа, муаллифларнинг содир бўлаётган воқеалар моҳиятига чуқур кириб боришига интилиш, совет кишиларининг фикр-ўйлари, интилишлари ва орзу-умидларини ифода этиш, уларнинг социалистик Ватан бахт-саодати йўлида қилаётган фидокорона меҳнатини акс эттириш билан ажралиб туради. Ишчилар ва колхозчилар, инженерлар ва олимлар, ўқитувчилар ва жангчилар китобларнинг, пьесалар ва фильмларнинг бош қаҳрамонлари бўлиб қолдилар. Бу образлар ёзувчиларнинг осуда кабинетларида эмас, адибларнинг республика бўйлаб қилган ижодий сафарларида, саноат корхоналарининг цехларида, қурилишларда, дала шийпонларида — коммунистик бунёдкорликнинг улуғвор режаларини амалга ошириш, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун кураш бораётган жойларда ўтказилган мулоқотларда туғилди.

Ҳисобот даврида барча жанрларда кўплаб ёрқин, катта аҳамиятга молик асарлар яратилди, бу асарлар маданиятимиз хазинасини бойитиб, миллий адабиётнинг ривожланишида янги босқич бўлди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Зулфия, Ўйғун, К. Яшин, бошқа кўпгина адабиёт намояндалари ҳамда адабиётчиларнинг ёш авлоди вакиллари бу ютуқларга муносиб ҳисса қўшадилар.

Кейинги йилларда ўзбек ва рус, қорақалпоқ ва қрим татар тилларида яратилган асарлар умумиттифоқ, кўпмиллатли совет адабиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Шу йиллар мобайнида барча совет кишилари каби Ўзбекистон ёзувчилари ҳам партия XXVI съездида, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумларида илгари сурилган вазифаларни амалга ошириш юзасидан фидокорона иш олиб бордилар. Ҳозир ижодий изланишда биз учун энг асосий йўналиш КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель, июнь ва октябрь Пленумлари қарорлари, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига бағишлаб КПСС Марказий Комитетида ўтказилган кенгашда берилган йўл-йўриқлар ҳисобланади.

Ҳаётнинг долзарб масалаларига эҳтирос ва манфаатдорлик билан муносабатда бўлиш, авторнинг аниқ гражданлик позицияси қитоб саҳифаларида ижобий нарсаларгагина эмас, балки олға боришимизга тўсқинлик қилаётган нарсаларни ҳам кўрсатиб беришга имкон беради, деб қайд этилди докладда. Кейинги йилларда вужудга келган асарлар ҳақиқатга ўхшаш нарсаларнинг таҳрири бўлмай, ҳаёт ҳақиқатини ифодалаб берганлиги билан ажралиб туради. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми йўл-йўриқларини амалга ошириш ва юз бераётган ижобий ўзгаришларни қарор топтирувчи янги долзарб романлар, қиссалар, сценарийлар ва очерклар ёзишга даъват этади. Бу асарларда камчиликларни бартараф этиш йўлида қилинаётган ишлар, корхоналар, колхозлар, муассасалар коллективларининг юксак ишчанлик ва талабчанлик вазиятини яратишдаги кураши ҳикоя қилиб берилиши лозим. Бунда авторнинг гражданлик позицияси аниқ ва равшан ифода этилган бўлиши керак. Афсуски, ҳозирча мана шундай китоблар кам.

Кейинги беш йил мобайнида ўтмиш сарқитларига қарши кураш сингари ғоят муҳим масалага бағишланган асарлар ҳам унча кўп бўлмади. Ҳолбуки, атеистик тарбия мавзуига жиддий эътибор берилиши лозим. Ёзувчилар диний сарқитларни фош этишда кўпроқ жўшқинлик ва гражданлик эҳтиросини намоён этишлари зарур. Бу вазифани ҳам тарихий, ҳам замонавий мавзулардаги асарларда ҳал этса бўлади. Тарихга муносиб ўрин берган ҳолда асосий нарсани — ҳозирги жонли замонамизни, унинг ўткир проблемаларини, реал қаҳрамонларни диққат-эътибордан қочирмаслик керак.

Кейинги пайтда ўзбек совет адабиётида совет халқининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги жасорати мавзуи катта ўрин олмоқда. Аввало фашизмга қарши олиб борилган жангларнинг бевосита қатнашчилари ёзган романлар ва қиссалар саҳифаларидан ҳаққонийлик, юксак ватанпарварлик нафаси уфуриб турибди. Уруш ҳақида ёзилган китоблар фронт ва унинг орқасидаги кишиларнинг ўлмас жасоратига билдирилган ҳурмат-эҳтиромгина бўлиб қолмай, балки миллион-миллион китобхонлар онгида тинчлик, халқлар ўртасидаги дўстликнинг олижаноб идеалларини қарор топтириш ҳамдир. Бу мавзу бундан буён ҳам ўз ифодасини топиши керак. Айни пайтда Улуғ Октябрь ғалабаларининг мустаҳкам посбони бўлиб турган, халқлар хавфсизлигини муносиб таъминлаб турган Совет Армиясининг ҳозирги ҳаётига ҳам катта эътибор бериш керак.

Кейинги йилларда адабиётимизга ёш авторларнинг катта отряди келиб қўшилди, деди нотиқ. Уларнинг кўпчилиги истеъдодли, кенг маданий қамровли ёзувчилар сифатида ўзини намоён этиб, адабиётнинг тараққиётига ҳозирдаёқ муносиб ҳисса қўшишди. Уларнинг асарлари замондошимизнинг маънавий дунёсини чуқур ва ноёб таҳлил этишга интилиш, китобхон билан вазмин, дилкаш суҳбатлашиш руҳи билан суғорилган. Кўплаб ёш адиблар, шоирлар, драматургларнинг ижодий имкониятлари анчагина катта. Бу имкониятларни ёрқин, давримизга муносиб китобларда ифода этиш муҳимдир. Ижодий союзнинг эшиклари ҳамма жиҳатдан тайёргарлиги бўлган ёш адибларга, совет ёзувчиси деган юксак номни шараф билан оқлашга муносиб кишиларгагина очиб қўйилиши керак.

Советлар мамлакати олдида турган улуғвор вазифалар барча адабиётчилардан ўз диққат эътиборини энг муҳим масалага жалб этишни талаб этади. Бу масала шундан иборатки, ҳар бир китоб, пьеса, сценарий коммунистик жамият бунёдкорини тарбиялаш ишига хизмат қилсин. Ёзувчилар кишилар онгини психологик жиҳатдан ўзгартиришда, юксак сиёсий онглилик, маънавий софлик шаклланишига кўмаклашишлари, заминимизда, социалистик масканимизда юз бераётган ҳамма нарсалар учун шахсий масъулият туйғусини тарбиялаш лозим. Энг яхши, энг муносиб инсоний фазилатлар ҳақидаги тасаввурларни ифодалайдиган ижобий қаҳрамон образи яратиш, бу образлар ўзининг жозиба кучи билан тақлид, идеал намунаси бўлишига эришиш ҳар бир адибнинг биринчи даражали вазифасидир. Бу гап айниқса болалар ва ёшларга атаб ижод қилувчи ёзувчиларга тааллуқлидир.

Вашингтон маъмуриятининг айби билан жаҳонда кескинликнинг кучайиб кетганлиги адиблардан пропаганда ва контрпропаганда ишларини янада актив олиб боришни талаб қилади, деб уқдирилди докладда. Ўзбекистон ёзувчиларининг Африка—Осиё ёзувчилари уюшмаси фаолиятида иштирок этиши бунинг учун кенг имкониятлар очиб беради. Айни республикамиз пойтахтида икки қитъа тараққийпарвар сўз усталарининг бирдамлик ва ҳамкорлик руҳи шаклланди. Тошкент руҳи адабиётчиларни инсонпарварлик, тинчлик, озодлик, социал тараққиётнинг юксак идеалларини қарор топтириш учун курашда бирлаштирди. Ёзувчилар ҳаракати бирлигини, унинг империализмга ва мустамлакачиликка қарши позицияларини бундан буён ҳам муттасил мустаҳкамлайвериш керак.

Съездда ревизия комиссиясининг раиси Ўткир Рашид комиссиянинг ҳисобот докладини қилди.

СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. С. Иванов минбарга кўтарилади. Партиянинг мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга қаратилган йўли совет кишилари олдига, шу жумладан ёзувчилар олдига янги, катта ва масъулиятли вазифаларни қўймоқда, деди у. Адибнинг буюк ва қудратли сўзи ҳамиша меҳнаткашларни жанговар ва меҳнат жасоратларига илҳомлантириб келди. У бундан буён ҳам Ватан равнақи йўлида, коммунистик бунёдкорлик йўлида кишиларни янги зафарларга чорлаши лозим.

Съездда уқтирилгандек, ўзбек совет адабиёти эришган марралар — республика ёзувчиларининг бақувват асарлари буюк революцион идеалларимиз ва зафарларимизни қарор топтирувчи ва улуғловчи янги бадиий юксак, салмоқли асарлар яратишнинг бошланишидир. Ўзбекистон сўз санъаткорлари кўпмиллатли совет адабиётини ривожлантириш ишига бундан бўён ҳам муносиб ҳисса қўшишларига шак-шубҳа йўқ, деди пировардида нотиқ.

Съездда қардош совет республикалари ёзувчилар ташкилотларининг вакиллари — Тожикистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Мўмин Қаноат, украинлик адиб А. Е. Ильченко, Озарбайжон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Исмоил Шихли сўзга чиқиб, Ўзбекистон адиблари совет қардош халқларининг миллий маданиятларини ўзаро бойитишдан иборат олижаноб ишга муносиб ҳисса қўшишаётганликларини таъкидладилар.

Кишиларни қаҳрамонлик намуналарида тарбиялаш, барча илғор нарсаларни қарор топтириш, олға ҳаракатимизда бизга халақит бераётганларга қарши муросасиз кураш олиб боришни Ўзбекистон ёзувчилари ўзларининг бурчи деб ҳисоблайдилар, деб таъкидлашди ўз сўзларида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси К. Яшин, Қорақалпоғистон АССР Ёзувчилар союзи правлениеси президиумининг раиси Т. Каипбергенов, ёш шоира М. Эгамбердиева, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчилари Мирмуҳсин, Ҳаким Назир, Саид Аҳмад ва ёзувчи, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Б. Е. Тихомолов. Улар социалистик реализм методи теран, ҳаққоний асарлар яратиш учун ёзувчилар олдида беқиёс имкониятлар очиб бериши ҳақида гапирдилар. Адибнинг бурчи — асарларнинг ғоявий-бадиий савиясини муттасил оширишдан, бу асарлар давримизга муносиб бўлиб, ҳозирги китобхонларнинг маънавий эҳтиёжларига жавоб беришига эришишдан иборат.

Съездда сўзга чиққан шоирлардан Э. Воҳидов, Ҳ. Ҳудойбердиева, О. Матчон, Ўзбекистон халқ шоирлари Шукрулло ва Рамз Бобожон, Ўзбекистон халқ ёзувчиси О. Ёқубов, ёзувчилардан Иззат Султон, А. Осмонов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари ёзувчилар ўртасида юксак талабчанлик, уларнинг ишида браккa йўл қўйилишига муросасизлик вазиятини яратиш юзасидан бундан буён ҳам собитқадам иш олиб боришни тақозо этишини уқдириб ўтдилар. Ижодкор ёшлар билан ишлашни активлаштириш, мураббийликни ҳар томонлама ривожлантириш, бошловчи авторлар билан мунтазам семинарлар ўтказиб туриш, бу семинарларда ютуқлар ва камчиликлар ҳақида амалий, принципиал фикр юритиш, ёшларни кенг қамровли, теран китоблар, пьесалар, сценарийлар яратишга йўналтириш лозим.

Съезд қабул қилган резолюцияда Ўзбекистон ёзувчилари партия ўртага қўйган улуғвор вазифаларни бажаришга муносиб ҳисса қўшадилар, КПСС XXVII съездини янги, ёрқин асарлар билан кутиб оладилар, деб ишонч билдирилди.

Давомли қарсаклар остида КПСС Марказий Комитетига табрикнома қабул қилинди.

Съезд Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениеси ва ревизия комиссиясининг янги составларини, СССР ёзувчиларининг VIII съездига делегатларни сайлади.

Съезд ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. У. Султонова қатнашдилар.

Съезд ишида КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими Е. М. Миронов иштирок этди.

* * *

Шу куни Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум правление президиумини сайлади. Ўлмас Умарбеков Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениеси президиумининг раиси этиб сайланди. Абдулла Орипов, Асқад Мухтор, Тўлепберген Қайпбергенов президиум раисининг ўринбосарлари этиб сайланди.

(ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ. 1985 йил 28 октябрь Ўзбекистон ёзувчиларининг IX съезди. Суратда: съезд делегатларининг бир группаси.

В. Молгачев ва С. Маҳкамов фотоси.

БУГУН — ЛЕНИН КОМСОМОЛИ ТУҒИЛГАН КУН

КОМСОМОЛЛАР ВА ЕШЛАР! БИЛИМЛАРНИ, МАДАНИЯТНИ, ПРОФЕССИОНАЛ МАҲОРАТНИ ТИНИМСИЗ ЭГАЛЛАНГИЗ! ПАРТИЯ БИЛАН ХАЛҚНИНГ РЕВОЛЮЦИОН, ЖАНГОВАР ВА МЕҲНАТ АНЪАНАЛАРИНИ КЎПАЙТИРИНГИЗ!

ЯШАСИН КОММУНИСТИК ПАРТИЯНИНГ ЖАНГОВАР ЕРДАМЧИСИ ВА ИШОНЧЛИ РЕЗЕРВИ — ЛЕНИН КОМСОМОЛИ!

(КПСС Марказий Комитетининг Чақириқларидан).

ПАРТИЯНИНГ ЖАНГОВАР ЁРДАМЧИСИ

Шонли Ленин комсомоли бугун ўзининг ташкил топган кунини қизғин кутиб олаётир. Ҳар бир йигит-қиз зарбдор меҳнати, маҳорати ва изланишини КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съездига бағишламоқда.

Коммунистик партия коммунизм актив бунёдкорларининг янги авлодини тарбиялашни ҳамиша ўзининг энг муҳим бурчи, деб ҳисоблайди. Бу партиянинг янги таҳриридаги Программаси лойиҳасида ҳам таъкидланган. Партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорларида ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашни такомиллаштиришга, ёш авлодни ғоявий-сиёсий ва маънавий жиҳатдан камол топтириш масалаларига, ҳар бир ёшнинг актив ҳаётий позицияда туришини шакллантиришга катта эътибор берилди. «Йигит ва қизларда синфий ҳушёрликни ва синфий туйғуни, идеологик қўпорувчиликка қарши зарба бериш қобилиятини, социалистик Ватанни мудофаа қилишга тайёр туриш ва мудофаа қилиш маҳоратини тарбиялаш соҳасидаги ишларни кучайтириш муҳимдир, — деб таъкидланади Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми материалларида. — Ёшларни партия ва халқимизнинг шонли революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялаш лозим».

Республика комсомоли ВЛКСМнинг ғоят йирик отрядларидан биридир. Ҳозир унинг сафларида 3 миллион 300 мингдан зиёд комсомол аъзоси бор. Ёшларнинг меҳнат фаоллиги ва онглилиги, ишлаб чиқаришда ёш новаторлар ва илғорларнинг сафи кундан кунга ортиб бораётир.

Комсомол — партия фарзанди. Комсомолнинг битмас-туганмас куч-қудрати, ташаббускорлиги, изланиши, маҳорати партия раҳбарлигидадир. КПСС Марказий Комитетининг «Комсомолга партия раҳбарлигини янада яхшилаш ва ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда унинг ролини ошириш тўғрисида»ги қарорида йигит-қизларни коммунистик руҳда тарбиялашни янада яхшилашнинг амалий йўл-йўриқлари кўрсатиб берилди. КПССнинг янги таҳриридаги Программаси лойиҳасида ҳам ёшларни коммунизм ишига садоқат, совет жамиятининг муносиб граждани бўлиш руҳида тарбиялашдан иборат шарафли ва кўп қиррали вазифалар мукаммал белгилаб берилган.

Партиянинг комсомол фаолиятига берган принципиал баҳоси, унинг олдига ҳозирги босқичда қўйган масъулиятли вазифалари комсомол комитетларидан иш услуби, форма ва методларини тубдан яхшилашни, комсомол ва ёшлар онгида коммунистик ғоявийликни шакллантиришга, уларнинг активлиги, ташаббускорлиги, интизоми, уюшқоқлигини оширишга хизмат қилувчи конкрет кундалик ишларга кўпроқ эътибор беришни талаб этмоқда. Ана шу долзарб вазифалардан келиб чиқиб, йигит ва қизлар социалистик мусобақага кенг жалб этилмоқда, комсомол-ёшлар коллективларининг ҳаракати ривож топмоқда, уларнинг обрў-эътибори ва ёшларни тарбиялаш соҳасидаги роли ошиб бормоқда. Уларнинг куч-ғайрати ижтимоий ишлаб чиқаришни, фан-техника тараққиётини интенсивлаштиришга, материалларнинг, техника ва технологиянинг янги турларини вужудга келтириш ва жорий этишга йўналтирилмоқда.

Ҳар бир йигит-қиз ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилида янада салмоқлироқ, янада самаралироқ ишламоқда. Ўн минглаб ёш кўнгиллилар Қарши ва Жиззах чўлларини ўзлаштиришмоқда, янги-янги завод ва фабрикаларни тиклашмоқда, каналлар ва газ қувурлари, трассалар ўтказишмоқда. Ноқоратупроқ зона меҳнатчилари ва Сибирь нефтчиларига кўмаклашмоқда. Зарбдор меҳнати, юксак касб малакаси, ишга ижодий муносабатда бўлиш билан ишчи деган фахрли номни шарафлаб келаётган ажойиб ёшлар кўп. Улар орасида Ленин комсомоли ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотлари лауреатлари «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси В. Егоров, Андижон область Ленинск трактор прицеплари заводининг мастери М. Ражабов, «Ташсельмаш» заводи фрезерчиси В. Шумицкий, Ўрта Осиё темир йўли Термиз бўлимининг поезд диспетчери В. Алексеев, Чироқчи районидаги 105-автокорхона ҳайдовчиси Ў. Исломов сингари минглаб ёшлар бор.

«Ёшларнинг зарбдор меҳнати, билими, ташаббус ва ижодкорлиги — ўн биринчи беш йилликка!» шиори комсомол-ёшлар социалистик мусобақасининг жанговар байроғига айланган. Халқ хўжалигининг барча соҳаларида ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифати учун курашаётган, янги саноат объектлари ва уй-жойларни барпо этаётган йигит-қизлар ўз маҳорати ва омилкорлигини намоён қилмоқдалар. «Средазэлектроаппарат», «Тошкент трактор заводи», «Ташсельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмалари комсомол ташкилотларида бу соҳада ибратли тажриба тўпланган.

Республикамиз далаларида етиштирилган ҳосилнинг бир миқдорини ҳам нест-нобуд қилмай йиғиб-териб олишда комсомол-ёшлар олдинги сафларда бормоқдалар. Пахтачиликни ривожлантириш, уни механизациялаш, ҳосилдорликни ошириш биринчи галда ёшларнинг зарбдор ишига айланди, бу борада ўнлаб ташаббуслар кўтарилди. Ғурлан, Бувайда, Чортоқ, Наманган, Хонқа, Риштон, Ғалаба, Янгийўл ва бошқа бир қатор районларнинг юзлаб комсомол-ёшлар коллективлари социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширмоқдалар. Улар орасида Оқолтин районидаги «Фарғона» совхоз-техникумидан ВЛКСМ XIX съезди делегати Бахтиёр Собиров, Ўйчи районидаги «Гулистон» совхозидан ВЛКСМ XIX съезди делегати Феруза Абдураҳимова, Шуманай районидаги Ю. Гагарин номли совхозидан Бозоргул Хўжаметова, Вобкент районидаги 2-совхозидан Самат Раҳматов, Дўстлик районидаги М. Дадажонов номли совхозидан Ботир Каримов сингари ўнлаб, юзлаб комсомол-ёшлар коллективлари бор.

Машина — деҳқон қаноти эканлиги амалда исботланмоқда. Механик-ҳайдовчилар ўзларининг бутун лаёқатларини ҳар бир машинада энг юқори меҳнат унумдорлигига эришишга, терим сифатини оширишга қаратмоқдалар. Шеробод районидаги Н. Муродов номли совхозидан Муротали Қудратов, Ғалаба районидаги Ленин номли колхозидан Абдували Шерматов, Оқолтин районидаги Ворошилов номли совхозидан Ботир Ёрбеков, Фрунзе районидаги Жданов номли совхозидан Сойибкон Қобилов, Янгибозор районидаги «Москва» колхозидан Собир Қурбонов сингари механик-ҳайдовчилар мавсумда 150—250 тоннадан пахта териб, сўнгги ўн кунлик ғолиблари бўлдилар.

Чорвачилик фермалари ва комплексларида, бўрдоқичилик хўжаликлари ва паррандачилик фабрикаларида 2011 комсомол-ёшлар коллективи меҳнат қилаётир. Чорвачиликда ҳаммаси бўлиб 86 минг ёш меҳнатчи, шу жумладан 76 минг ВЛКСМ аъзоси ишлаётир.

Ёшларда илмий-материалистик дунёқарашни шакллантириш, уларни атеизм ғоялари билан қуроллантириш кўп қиррали тарбия ишларининг таркибий қисмидир. Йигит-қизларнинг қатъий атеистик эътиқодларини вужудга келтириш, уларда синфий ҳис-туйғуни, диний идеологияга қарши туриш маҳоратини ҳосил қилиш ишига алоҳида эътибор берилмоқда. Комсомол ташкилотлари бу борада мунтазам ва узлуксиз иш олиб бормоқдалар. Самарқанд атеизм уйи ёшлар учун қизиқарли суҳбатлар ташкил этмоқда, тематик кечалар ўтказмоқда, оғзаки журналлар, ўқувчиларнинг конференцияларини уюштирмоқда. Бу тажрибя кўпгина комсомол ташкилотлари учун намуна бўлаётир.

Бугун — Ленин комсомоли ташкил этилган кунда мамлакат комсомол ташкилотларида 1905-1907 йиллар революциясининг 80 йиллигига бағишланган революцион шон-шуҳрат ҳафталиги тантанали равишда очилади. Барча комсомол ташкилотларида «Революция — биз сенинг фарзандингмиз!» деган мавзуда КПСС тарихи — Бутуниттифоқ сабоғи ўтказилади. Ҳафталик 7 ноябргача давом этади. Унинг тадбирлари КПСС XXVII съездига тайёргарликка — ижодий меҳнат, сўз ва иш бирлиги, ташаббус ва масъулият шиори остида ўтиши, йигит ва қизларни фидокорона, ижодий ва унумли меҳнат қилишга, аъло ўқишга, синфий чиниқишни кучайтиришга, ёш авлодни Коммунистик партия ва совет халқининг анъаналарига, коммунистик идеалларга садоқат руҳида тарбиялашга сафарбар этишга ёрдам беради.

Ҳафталик давомида ёшлар революция, партия ва комсомол ветеранлари билан учрашадилар. Йигит ва қизларнинг комсомол топшириқларини, шахсий социалистик мажбуриятларини бажарганликлари, КПСС XXVII съездига бериладиган Рапортга имзо чекиш ҳуқуқи учун социалистик мусобақада иштироки тўғрисидаги ҳисоботлари тингланади.

Ўзбекистон Ленин комсомоли олдида ғоят катта ва шарафли вазифалар турибди. Бу вазифа якунловчи йил ва, умуман, ўн биринчи беш йиллик план топшириқларини ошириб бажариш, КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съездини меҳнатда, ўқишда ва барча соҳада улкан муваффақиятларни қўлга киритиш билан кутиб олишдан иборатдир. Сўзи билан иши бир, шижоаткор комсомол-ёшлар бундай улкан ва масъулиятли вазифанинг уддасидан чиқадилар.

Б. АЛЛАМУРОДОВ,
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети биринчи секретари.

«Ташсельмаш» заводи комсомол-ёшлари ўзларининг анъанавий байрами — ВЛКСМ ташкил топган кунни муносиб меҳнат ютуқлари билан кутиб олмоқдалар. Ёшлар коллективлари ўртасида «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» шиори остида социалистик мусобақа қизғин авж олган.

Суратда: 5- цех комсомол-ёшлар бригадаси етакчиси, завод комсомол комитети аъзоси, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Р. Тўраев бригада аъзолари билан сўнгги ўн кунлик якунларини муҳокама қилмоқда.

В. МОЛГАЧЕВ фотоси.

БИЗНИНГ СПРАВКА

▲ КПСС XXVII съезди, Ўзбекистон Компартияси XXI съезди шарафига меҳнат қилаётган республикамиз йигит-қизлари якунловчи йил ва, умуман, беш йиллик план-топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақа байроғини баланд кўтармоқдалар. 60 мингдан зиёд ёш меҳнатчи, бир ярим минг комсомол-ёшлар коллективи беш йиллик планларини адо этдилар.

▲ Беш йиллик мобайнида 284 ёш меҳнатчи Ленин комсомоли ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотларига сазовор бўлди.

▲ 22 минг комсомол-ёшлар коллективи фан-техника тараққиёти муваффақиятларини ишлаб чиқаришда кенг қўлламоқда.

▲ Республика комсомоли 88 та Бутуниттифоқ, республика ва бошқа зарбдор қурилишларга оталиқ қилаётир.

▲ Беш йиллик мобайнида ёш рационализаторлар 33 минг таклиф киритишди. У 80 миллионга яқин иқтисодий самара келтирди.

▲ 800 минг ёш ишчи, колхозчи ва мутахассис комсомол сиёсий ўқуви ва иқтисодий таълим системасида таҳсил кўраётир.

▲ Бир миллион 700 минг йигит ва қиз ГТО нишондоридир. 1,5 миллион ёш эса спортнинг оммавий разрядларига эга.

ХОСИЛ-85

БУХОРО

«Бухараирсовхозстрой» трести хўжаликлари пахта тайёрлаш бўйича якунловчи йил планини муддатидан илгари адо этдилар. Қоровулбозор массивидаги қўриқ ерлардан 6400 тонна «оқ олтин» териб олинди. Бу ўтган йилги кўрсаткичдан 1200 тонна кўпдир. Дала гвардиячилари 2400 тоннадан зиёд пахтани агрегатлар бункеридан тўкишга эришдилар. Ҳар гектар қўриқ ердан 30-33 центнердан «оқ олтин» ҳосили олишган 2-совхознинг Самат Раҳматов, 11-совхознинг Аҳмад Сафаров, 1-совхознинг Очил Исмоиловлар бошлиқ бригадалари аъзолари муваффақиятга баракали улуш қўшишди. Мазкур бригадаларда йиғим-терим техникасидан самарали фойдаланилди ва тайёрланган пахтанинг 80-90 проценти машиналарда териб олинди. Ориф Раҳматов, Шомурод Ашуров, Байрам Норова, Гулжамол Зоирова, Жўра Қурбонов каби суворийлар «зангори кема»ларни моҳирлик билан бошқаришда ўрнак кўрсатдилар.

Қоровулбозор массиви пахтазорларида ҳали ҳосил мўл. Трест совхозларининг коллективлари ўз имкониятларини чамалаб чиқиб, қабул пунктларига яна 650 тонна «оқ олтин» топшириш мажбуриятини олдилар.

* * *

Ғиждувон районидаги «Гулистон» колхози заршуносларининг ингичка толали пахта тайёрлаш планини адо этдилар. Қабул пунктларига плондаги 1600 тонна ўрнига 1630 тонна ипак пахта топширилди. Ҳосилдорлик 28 центнерни ташкил этди. Эришилган муваффақиятда Ражаб Шарипов, Саъдулла Ҳожибақиев, Карим Зарипов, Ниёз Баҳромов, Исроил Исмоиловлар бошлиқ бригадаларнинг ҳиссаси катта бўлди. Пешқадам бригадаларда ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил териб олинди.

Колхоз аъзолари планга қўшимча яна 370 тонна «оқ олтин» тайёрлаш мажбуриятини олдилар.

САМАРҚАНД

Каттақўрғон районидаги Крупская номли колхоздан йиллиқ план бажарилганлиги ҳақида хушхабар олинди. Заршуночилар ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил кўтариб, давлатга 3580 тонна «оқ олтин» топширдилар. Бунинг 90 проценти биринчи сортга қабул қилинди. Пешқадам механизаторлардан Ҳусан Фахтуллаев, Бермат Норматовлар 120 тоннадан пахта териб, хирмонга барака киритишди.

СУРХОНДАРЁ

Гагарин пахтакорлари йиғим-теримда юқори суръатни таъминламоқдалар. Ўтган куни район далаларида 395 та «зангори кема» ишлатилди. Ҳар бир агрегатнинг ўртача иш унуми 1,4 тоннани ташкил этди. «Партия XXIV съезди» совхози механизатори З. Шоймардонов айниқса, юқори кўрсаткичга эришмоқда. Кунига 5-6 тоннадан ингичка толали пахта тераётган пешқадам суворийнинг шу кунгача уйган хирмони 170 тоннадан ошди.

* * *

Ленин йўли районидаги Охунбобоев номли совхоз механик-ҳайдовчиси А. Абдумўминов ўзаро меҳнат беллашувида илғорлик қилиб, унинг мавсум бошидан бери агрегат бункеридан тўккан пахтаси 250 тоннага етди.

АНДИЖОН

Балиқчи районидаги К. Маркс номли совхозда пахта тайёрлаш бўйича йиллик план бажарилди. Заршуночилар 1050 гектар ернинг ҳар гектаридан 33 центнердан ҳосил териб олишга эришдилар. Умарали Усмонов, Садриддин Маматов, Анваржон Имомов ўртоқлар бошлиқ пешқадам бригадаларда ҳосилдорлик 35 центнерга етди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР

Тўрткўл районидаги «Ленинизм» совхози азаматлари зафар маррасини эгалладилар. Қабул пунктларига топширилган 4516 тонна хом ашёнинг 70 проценти «зангори кема»лар бункеридан тўкилди. Ҳозир хўжаликда 24 бригада социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширмоқда. Орозмуҳаммад Аннақиличев ва Бегмат Нурматовлар бошлиқ бригадаларда 7 йиллик план адо этилди.

ТЕЛЕЭКРАН ҚАРШИСИДАГИ ЎЙЛАР

ТИЛ — МАДАНИЯТ КЎЗГУСИ

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ КЕЧА ШУ МАВЗУДА ЯНГИ ТУРКУМДАГИ КУРСАТУВЛАРНИ БОШЛАДИ

«Совет маданияти халқларнинг ўзаро бир-бирини тушунишига ва яқинлашувига ёрдам беради, империализмга, реакцияга ва урушга қарши курашда фаол иштирок этади. У социалистик жамият маънавий ҳаётининг ғоявий бойлиги ва кўп қиррилигини, унинг реал гуманизмини ўзида мужассамлаштирган ҳолда жаҳон маданиятини бойитмоқда, ўзини инсоният маънавий тараққиётининг қудратли омили сифатида, келгуси — коммунизм маданиятининг тимсоли сифатида тобора тўлароқ намоён этмоқда». КПССнинг янги таҳриридаги Программаси лойиҳасида айтилган бу сатрлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Ахборот ва чет эллар билан алоқалар бўлими мудири Б. Абдураззоқов, Совет Иттифоқининг Габон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Л. Мақсудов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг фалсафа ва ҳуқуқ институти директори, фалсафа фанлари доктори Қ. Ҳоназаров ва Ф. Энгельс номидаги Тошкент давлат чет тиллар педагогика институти ректори, филология фанлари доктори Ж. Бўронов иштирокида «зангори экран» орқали кеча намойиш этилган давра суҳбатининг мазмун ва йўналишини белгилаб берди.

Ўзбекистонда социализм қуриш тажрибаси хорижий мамлакатларда катта қизиқиш уйғотмоқда, деб таъкидлади Б. Абдураззоқов. Чет мамлакатлардан серқуёш диёримизга келаётган меҳмонлар ва туристлар сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Республикамизнинг чет эллар билан маданий алоқалари ҳам кенгаймоқда. Ўзбекистон вакиллари, жумладан ўтган йили Перу, Австралия, Янги Зеландия, Эфиопия, Греция, Португалия ва бошқа мамлакатларда, бу йил эса Марокаш ва Швейцарияда ўтказилган Совет Иттифоқи кунларида фаол қатнашдилар.

Шунингдек, ўзбекистонлик мутахассислар хорижий мамлакатларга бориб амалий ёрдам бермоқдалар. Афғонистон, Сурия, Ангола, Мозамбик, Вьетнам ва бошқа мамлакатларда Совет Ўзбекистонидан борган юзлаб мутахассислар фидокорона меҳнатлари билан техникавий ва иқтисодий ҳамкорлик соҳасига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Шу маънода Л. Мақсудовнинг сўзлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотганлиги шубҳасиз. Тил ўрганишнинг ҳеч қачон кечи бўлмайди, деди у. Одам тил билган сари уларни бир-бирига таққослаб, ўзининг билим доирасини кенгайтира боради. Ўзимдан қиёс. Тошкентда рус мактабини битирганман. Инглиз тилини ўрганишимда рус тили ёрдам берган. Габонга бориб, француз тилини ўргана бошладим (бу ерда француз тили давлат тили ҳисобланади).

Кўрсатувда тилни билиш, тил ўрганиш кўпроқ одамнинг ўзига, зеҳн, қунт билан ўрганишига боғлиқ эканлиги жонли мисоллар билан таъкидланди. Қ. Хоназаровнинг айтишича, фан-техника ижтимоий ҳаёт соҳасида жаҳонда яратилаётган янги ғояларнинг олтмиш проценти дастлаб рус тилидаги матбааларда ўз аксини топмоқда. Социалистик фанимиз тараққиёти қардош иттифоқдош республикалар олимлари ҳамкорлигига асосланган бўлиб, улар ўз асарларини рус тилида чоп этиш билан илмий муаммоларни осонроқ ҳал этишга муваффақ бўлмоқдалар.

Ҳеч шубҳасиз, доҳий В. И. Ленининг ҳаёт йўли ҳамиша биз учун ибрат. Тил ўрганиш бобида ҳам. Унинг сафдошлари хотираларидан келтирилган мисоллар барча телетомошабинларда катта таассурот уйғотганлиги турган гап. Владимир Ильич ҳордиқ чиқариш учун сайрга чиққанида ёнида албатта луғат бўлар, инглиз, француз ёки немис тилидан ҳеч бўлмаса битта-иккита сўзни ўрганар эди. Унинг ўзи қанча чет тилларни билган?! Хорижий тиллардаги кўп китобларни асл манбаидан ўрганиб материаллар тўплаган, асарларида улардан мисоллар келтирган. В. И. Ленин иш столи ёнида ҳамиша луғатлар, В. Далнинг «Рус тилининг изоҳли луғати» туришини истарди. Ҳолбуки, рус тилини Лениндек мукаммал биладиган одам кам бўлган. Рус тилини, чет тиллардан бирини мукаммал эгаллаш учун Лениндек ўз она тилини пухта билиш зарур. Биз Лениндан ҳар қанча ўргансак, ибрат олсак кам.

Тилнинг ривожланиши тафаккур ва онгнинг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ, деди Ж. Бўронов. Халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги таъминланмаган жамиятда тенг ҳуқуқли тилларни тасаввур қилиб бўлмайди. Бизнинг социалистик давлатимизда кўп тиллар гуллаб-яшнаётган бир пайтда капитал дунёсидаги қанчадан-қанча тиллар йўқолиб бораётганлигига мисоллар оз эмас. Бир пайтлар илмий асар таржима қилиб бўлмайди, деб башорат қилинган ўзбек тили Октябрь шарофати билан беқиёс равнақ топди. Ҳозирги кунда шу тилнинг ўз фикрини рус тилида ва бир неча хорижий тилларда ифодалай оладиган, илмий асарларини чет тилларга ўзи таржима қила оладиган, турли халқаро симпозиумларда чет тилларда мунозара юрита оладиган намояндалари кўпаймоқда. Марксизм-ленинизм классикларининг ўлмас асарлари, жаҳоннинг машҳур мутафаккир, олим ва ёзувчиларининг асарлари ўзбек тилига таржима қилинмоқда. Ж. Бўроновнинг рус тили ва у орқали инглиз, немис, француз, лотин, хитой ва бошқа тилларни ўрганиб, улар ҳақида илмий асарлар ёзгани, шу тиллар назарияси бўйича кандидатлик ва докторлик диссертациялари ёқлаганлиги телеэкран қаршисидагиларнинг ҳеч бирини лоқайд қолдирмаган бўлса керак.

Кўрсатув иштирокчилари ўзини маданиятли деб ҳисоблайдиган ҳар бир одам она тили ва рус тилини билишдан ташқари бironта чет тилини билиши шарт, деган фикрда якдил эдилар. Жуда муҳим мавзу — бугунги маданиятли киши — замондошимиз қандай савияда бўлиши хусусида ўзбек зиёлилари намояндаларининг жонли, асосли ва энг муҳими мароқли сўз юритишлари, ҳеч шубҳасиз, кўрсатув таъсирчанлигини оширган.

Ижтимоий-сиёсий кўрсатувлар бош редакцияси томонидан тайёрланган «Тил — маданият кўзгуси» туркуми Марказий телевиденининг «Э-студия»си сингари томошабинлар орзиқиб кутадиган кўрсатувлардан бири бўлиб қолса ажаб эмас.

Р. ҚОСИМОВ.

Партия турмуши: комсомолга раҳбарлик

ИШОНЧ ҚАНОТИДА

Ёшлар — келажагимиз, эртага, яқин истиқболда амалга ошириладиган ишларнинг камарбасталаридир. Шунинг учун, комсомол-ёшларни меҳнатга, бурчга онгли муносабат руҳида тарбиялаш борасидаги бугунги ишлар кўп жиҳатдан истиқболдаги муваффақиятларни белгилаб беради.

В. И. Ленин ёшлар олдидаги вазифаларга тўхталиб, улар ҳар куни ҳар бир қишлоқ, ҳар бир шаҳарда умумий ишнинг энг кичкина, энг оддий бўлса ҳам у ёки бу вазифасини амалий равишда ҳал қилишлари керак, деб таълим берган эди. Доҳийнинг бу кўрсатмаси КПССнинг янги таҳриридаги Программаси лойиҳасида ҳам ўз ифодасини топди.

Район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари комсомолга раҳбарликнинг усул ва услубларини такомиллаштириш йўлида гинмай изланмоқдалар. Нанжада йигит-қизларнинг ижтимоий ва меҳнат активлиги ошмоқда. «Нурота» совхози бош чўпони Т. Абенов, «Қизилча» совхози чўпони К. Жумаев, «Ғозғон» совхози бош чўпони Ш. Бўрибекова, район автомобиль хўжалиги мотористи А. Ҳамроев, мармар кони парматвчиси А. Омоновлар «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» ҳаракатига қўшилиб, ибратли ишлар қилмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг комсомолга партиявий раҳбарликни янада яхшилаш ва ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда унинг ролини ошириш ҳақидаги қароридан келиб чиқадиган вазифалар район партия активи йиғилишида муҳокама қилинди. Ишлаги нуқсонларни бартараф этишнинг аниқ йўл-йўриқлари белгиланди. Активда билдирилган таниқдий мулоҳазалар юзасидан амалий чоралар кўриляпти. Шунингдек, район партия комитети бюро мажлисларида комсомолга партиявий раҳбарлик даражасини ошириб бориш масалаларига алоҳида эътибор берилиляпти. Чунончи, 18-автотранспорт корхонаси бошланғич партия ташкилотининг бу соҳадаги фаолиятини қараб чиқиш жараёнида қишлоқ ёшларининг активлиги сезиларли даражада ошди.

Район партия ташкилоти янги кучларни ҳамиша комсомол сафидан танлаб олмоқда. Ўтган йил давомида КПСС сафига қабул қилинган 45 кишидан 33 нафари ёки 73 проценти комсомолда тарбияланган ёшлардир. Шу йилнинг ўтган ойларида эса бу кўрсаткич 80 процентни ташкил этди. Бу ёшлар ўзларига билдирилган ишончни оқламоқдалар, меҳнатда ва жамоат ишларида ташаббускорлик кўрсатмоқдалар.

Аммо, бу муҳим соҳада камчиликлар, нуқсонлар ҳам йўқ эмас. Баъзи комсомол етакчилари ўзларига билдирилган ишончни яхши оқламаётгани бизни ташвишлантиряпти. Масалан, ёшлар ўртасида тарбиявий ишларни йўлга қўяолмагани учун Ғозғон кони бошқармаси комсомол комитетининг секретари Қ. Қодиров, ўз ишига совуққонлик билан қарагани учун «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхози комсомол ташкилоти секретарининг ўринбосари Х. Қўчқоров вазифасидан озод этилдилар. Шу боисдан район партия комитети комсомол етакчиларини танлаш, тарбиялаш ва уларнинг сифат составини мунтазам яхшилаб боришга жиддий эътибор бермоқда.

Нурота район партия комитети комсомолга партиявий раҳбарликни кучайтириш, ёшларни коммунистик ғоявийлик, интернационализм, халқимизнинг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарига, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги ўз фаолиятини КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель ва октябрь Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорлари асосида изчил олиб бораверади.

Я. ХАЛИЛОВ,
Нурота район партия комитетининг иккинчи секретари.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

ЛАВОЗИМЛАРИДАН БЎШАТИЛДИЛАР

Москва район Марказий касалхонасининг неврология бўлимида даволанаётган бир группа беморлар редакциямизга йўллаган хатларида бу ерда уларга етарли эътибор берилмаётганлиги тўғрисида ёзишган эди.

Ушбу шикоят хат текшириш ва чора кўриш учун АНДИЖОН ОБЛАСТЬ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БЎЛИМИга юборилганди. У ердан олинган жавобда шундай дейилади:

— Мактубда баён этилган фактлар тўғри. Текшириш якунлари район Марказий касалхонаси коллективи ўртасида муҳокама этилди. Неврология бўлими мудири вазифасини бажарувчи С. Фозилов ва бош ҳамшира вазифасини ижро этувчи С. Тошматова лавозимларидан бўшатилдилар.

Шифохона маъмуриятига бўлим иши устидан етарли назорат ўрнатилмаганлиги кўрсатиб ўтилди.

АСОСАН ТАСДИҚЛАНДИ

Термизлик Қ. Абдужалилов ўз хатида «Октябрь 40 йиллиги» колхози марказида жойлашган универмагда тартиб ва интизом бузилаётганлиги, сотувчилар харидорларга нисбатан қўпол муомалада бўлаётганлиги ҳақида хабар қилган эди.

ТЕРМИЗ РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИдан олинган жавобда қайд этилишича, хатда кўрсатилган фактлар асосан тасдиқланди. Район матлубот жамияти правленнеси бойруғи билан универмаг сотувчилари Х .Қурбонова, Н. Худойназарова, Имомова, Ш. Қиличев, Ж. Қурбонова, Жўрақулова қаттиқ огоҳлантирилдилар. Универмаг мудири И. Абдукаримовга ходимлар иши устидан бўш назорат ўрнатилганлиги кўрсатиб ўтилди.

ҚАТТИҚ ОГОҲЛАНТИРИЛДИ

Қамашилик бир группа газетхонлар хатида район маданият ва истироҳат боғида баъзи молиявий камчиликларга йўл қўйилаётганлиги баён этилган эди.

Ушбу шикоят хат юзасидан текшириш ўтказган ҚАМАШИ РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИдан олинган жавобда қуйидагилар хабар қилинади:

— Текширишда молиявий камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Истироҳат боғи мудири А. Тўраев қаттиқ огоҳлантирилди. Унга бу ерда тартиб ўрнатиш топширилди.

СССР Давлат мукофотига номзодлар

АТОМ ИНСОН ХИЗМАТИДА

Илм-фан тараққий этган сари унинг соҳаларо сарҳадлари йўқолиб, бир-биридан анчагина йироқ фанларнинг ҳам тадқиқот йўналишлари муштарак бўла боради. Бугунги кунда, айтайлик, физиклар соф биологик муаммолар устида ҳам самаралн изланиш олиб бормоқдалар. Бу жиҳатдан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ядро физикаси институти олим ва илмий ходимларининг изланишлари диққатга сазовор.

Шу ерда яратилган Фосфор-32 радиоактив изотопи ген-ларнинг кимёвий тузилишини аниқлашда қўл келмоқда. Нишонли атом ёрдамида масалан, юз мингдаб атомдан иборат нуклеин кислотасининг аниқ формуласини топиш мумкин бўлмоқда. Институтнинг изланувчан ва ижодкор коллективи Москва, Ленинград, Новосибирск олимлари билан яқин ҳамкорликда иш олиб бораётир. Ядро физикаси бўйича Ўзбекистоннинг Иттифоқ миқёсида эътироф этилган илмий мактаби намояндаларининг бу соҳадаги ишлари илмий жамоатчилик ўртасида катта қизиқиш уйғотмоқда. Институт мутахассисларидан бир группаси физик-химик биология учун нишонли Фосфор-32 бирикмалари олиш технологиясини яратганликлари ҳамда уни саноат асосида ишлаб чиқаришни ташкил этганликлари учун 1985 йилги СССР Давлат мукофотига номзод қилиб кўрсатилди.

Суратда: СССР Давлат мукофотига номзодлар: (чапдан ўнгга) институт директорининг ўринбосари, химия фанлари доктори, профессор А. Кист, институт директори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси П. Ҳабибуллаев, кичик илмий ходим В. Сидоров ҳамда институтнинг радио-препаратлар корхонаси директори ўринбосари Ю. Скоблов олинган маълумотларни микро электрон-ҳисоблаш машиналарида қайта ишламоқдалар.

В. Казанцев фотоси (ТАСС фотохроникаси).

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Фарғона область ички ишлар бошқармаси ходими, милиция майори Мамасоли Жумаев меҳнат отпускасини пахтазорда ўтказмоқда. У Ёзёвон районидаги «Правда» совхозининг «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» бўлими далаларида «зангори кема» рулини бошқариб, ҳозиргача эл хирмонига 120 тонна пахта тўкди.

А. МАДРАҲИМОВ.

* * *

Муборак районидаги «Галлачи» совхозининг 5-бўлимига қарашли Йўлдош Шерниёзов бошлиқ бригада пахтакорлари зафар қучдилар. Чўлқуварлар мавжуд 50 гектар майдондан она-Ватанга 85 тонна пахта топшириб беришди. Бу — пландагидан 15 тонна кўп.

А. МУСТАФОЕВ.

* * *

Иштихон районидаги «Октябрь» колхозининг Бошмон Раббимов бошлиқ полизчилик бригадаси социалистик мажбуриятини шараф билан адо этди. Мавжуд 10 гектар майдондан давлатга пландаги 128 тонна ўрнига 300 тоннадан зиёд полиз маҳсулотлари етказиб берилди. Бу меҳнат ғалабасида М. Ҳакимов, Э. Тожиев, Н. Ҳусанов, М. Юсупов ўртоқлар бошлиқ звенолар ҳиссаси салмоқли бўлди.

Ж. МАЖИДОВ.

Борис Сергеевич ПАРМУЗИН

Ўзбек совет адабиёти оғир жудоликка учради. Таниқли ёзувчи ва жамоат арбоби, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари, Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг депутати, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими Борис Сергеевич Пармузин 27 октябрда 62 ёшида тўсатдан вафот этди.

Б. С. Пармузин 1924 йилда Воронеж областининг Нижний Карачан қишлоғида туғилди. У уруш йилларида пиёда аскарлар билим юртини тугатиб, ўқчи взводига командирлик қилди. Совет Армияси сафларидан демобилизация қилингач, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетида инструктор, лекторлар группасининг мудири бўлиб ишлади. Б. С. Пармузин кўп йиллар мобайнида республика газеталари ва журналларида ишлади.

Борис Пармузиннинг дастлабки шеърий тўпламлари — «Қўшиқнинг туғилиши», «Одамлар сояга яширинмайдилар», «Қадимги бухоролик қиз» совет кишиларининг меҳнат ва жанговар жасоратларига бағишланган. Унинг йирик асарлари: «Чегарадан 80 километр нари», «Полк тревога бўйича кўтарилади», «Саҳрода ҳамиша нотинчлик», «Солдатлар» каби қиссалари ҳозирги Совет Армияси ҳақида, чекистларнинг машаққатли меҳнати тўғрисида ҳикоя қилади.

Борис Пармузин «Махсус буйруққаға», «Баҳор довон ортида кутади» сингари романлар муаллифидир. Унинг «Саҳрода ҳамиша нотинчлик» китоби СССР Мудофаа министрлигининг дипломи билан тақдирланган. Борис Сергеевич ўзбек ва қорақалпоқ адибларининг йигирмадан зиёд китобини рус тилига таржима қилган.

Борис Пармузиннинг кўпмиллатли совет адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари ва унинг жанговар шон-шавкати муносиб тақдирланди. У «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун», «1941—1945 йилларда Улуғ Ватан урушида «Германия устидан қозонилган ғалаба учун» медаллари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган эди. Унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони берилган эди.

Борис Пармузин номи унинг истеъдоди мухлислари қалбида узоқ вақт сақланиб қолади.

БИР ГРУППА ЎРТОҚЛАРИ.

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

МУХБИРИМИЗ БОНГ УРАДИ

ХЎЖАСИЗЛИК

ёки Янги Тошкент консерва комбинатида тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, давлат мулкини сақлашга бефарқ муносабатда бўлинаётгани ҳақида

1. НОХУШ МАНЗАРА

Халқимизда яхши бир одум бор. Бўлғуси келиннинг феъл-атвори билан қизиққан киши унинг ҳовлисига разм солади. Бир нигоҳ ташлаш билан, дарҳақиқат, жуда кўп нарса маълум бўлади-қўяди. Чиндан ҳам дидли-фаросатли одам ивирсиб ўтирмайди, ҳамма нарса саранжом-саришта, ўз жойида бўлади, ҳовли ёғ томса ялагудек ҳолида туради.

Комбинатда бўлганимизда, ана шу гапни кўп эсладик. Негаки... унга яқинлашганингиздаёқ нохуш манзарага дуч келасиз. Яшик-яшик олма ортилган машина ва прицепли тракторлар қатори дарвозадан ярим-бир бекатча масофага чўзилган. Кўпининг шофёри йўқ, баъзиларининг кабинада мудраб ёки ухлаб ўтирибди.

— Ҳа, чўзилса ёмонми? Ҳозир айни пишиқчилик-ку? Хўжаликлар мўл-кўл куз неъматларини бетўхтов юбориб турибди-да, — дейишингиз мумкин.

Бу тўғри, лекин гап бошқа масала устида боряпти.

Дарвозага етай деб қолган «19—57 ТШМ» номерли ГАЗ—53 машинасига яқинлашамиз. Соат —14.00.

— Эрталаб соат саккизда келиб тўхтаган жойимиздан ҳалигача силжиганимиз йўқ. Билмадим, кечгача ичкарига кирамизми-йўқми? Негаки, ичкарида ҳам машиналар кўп, — деди зорланиб Тошкент районидаги Собир Раҳимов номли колхоз шофёри Жўрабой Ҳамидов.

Комбинат ичидаги майдон ҳам мева келтирган машина ва тракторлар билан лиқ тўла.

— Кеча соат 23 да келганмиз, — деди Паркент районидаги «Прогресс» совхози трактор ҳайдовчиси Тоҳир Тўйчиев. — Олдимизда ҳали машиналар кўп. Олмамизни кечгача топшира олсак ҳам хурсанд бўлардик. Олдин ҳам кўп келганмиз, 3-4 кунсиз навбат тегмаган. Ҳатто бир гал салкам бир ҳафта қолиб кетганмиз.

— Комбинатда ўтган иш кунларингиз учун ким сизга ҳақ тўлайди? Тракторга сарфланган ёнилғи кимнинг ҳисобидан? — сўраймиз тракторчидан.

— Совхоз тўлайди.

— Тракторга бир суткада қанча солярка сарф бўлади?

— 150-200 литр атрофида.

Саволни бежиз бермадик. Чунки навбат кутаётган кўпчилик тракторларнинг мотори ишлаб турипти. Сабаби, аккумулятори йўқ эмиш, хомаки ҳисоблаб чиқамиз: ҳар бир трактор мотори ўчирилмай уч кун навбатда турса, 530—550 литр ёнилғи сарф бўлар экан. Бу бир тракторнинг бир марта келганидаги ёнилғи сарфи. Ҳолбуки, бу ерда ҳар куни ўнга яқинини кўриш мумкин.

Сабаби маълум: олмани қабул қилиб, дастлабки қайта ишлайдиган учта линиянинг бирортаси ҳам ёлчитиб ишламаяпти. Ишлашидан кўра тўхтаб туриши кўп. Уларнинг ости ва атрофи шу даражада шилта-шалаббо, ифлоски, ишлашга имкон йўқ. Айниқса, олмани сиқиш механизмининг носозлиги панд беряпти: мевадан сиқиб олинган сув бемалол ерга оқиб ётибди.

Шундай бўлса-да, линиялар олдида ҳеч ким йўқ. Ниҳоят, шарбат цехи бошлиғининг ёрдамчиси Тўрабой Ўринбоев пайдо бўлди. Эслатишимизга мувофиқ у шарбат бакининг труба уланган жойини нари-бери кўрдида, яна гойиб бўлди.

Қизиғи шундаки, шарбат цехининг бошлиғи Юсуф Қўқоровни ўша куни ҳеч қаердан топиб бўлмади. Унинг қаерда эканлиги ҳатто комбинат раҳбарларига ҳам номаълум эди. Ҳолбуки, юк тушириш, қайта ишлаш агрегатлари, мева олиб келган турнақатор транспорт воситалари унга маҳтал бўлиб туришарди.

2. ПЛАНЛАР УЛДА-ЖУЛДА

— Нега шундай? — сўраймиз комбинат директори Озод Хўжаевдан.

— Тўғрилаймиз, — деди у ва ўша заҳоти бош инженерга тайинлади. — Линияларни тартибга келтириб қўйишсин. Чиндан ҳам улар антисанитария ҳолатида.

— Планлар бажариляптими?

— Ҳа, бажариляпти.

— Ҳамма турлари бўйичами?

— Йўқ, албатта.

Тўққиз ойлик якунлари ҳақидаги маълумотда томатли соус билан мевадан шарбат олиш топшириғидан бошқалари ё учма-уч бажарилган, ё ора йўлда қолиб кетганлиги кўриниб турибди.

Олтита цехдан тўрттаси ва иккита филиал тўққиз ойлик план топшириғини уддалай олмади.

Комбинат раҳбарлари бу қолоқликка хўжаликлардан мева, сабзавот ва бошқа маҳсулотлар кам етказиб берилганини сабаб қилиб кўрсатдилар. Улар зўр бериб баҳона қидирардилар-у, аммо ўз айбларини зинҳор тан олгилари келмасди. Ваҳолонки, корхона фаолиятида камчилик ва нуқсонлар қалашиб ётибди, эгасизлик, хўжасизлик газак олган. Аҳволни ўнглаб олиш, берилган ваъдаларнинг устидан чиқишнинг резерв ва имкониятлари бу ерда ҳам чексиз.

Цехлар ва юк майдончаларида бўлганимизда бунга ишонч ҳосил қилдик. Иш жойларида тартиб йўқ, коллективларда эса интизом бўш.

3. ЭСИЗ ТЕХНИКА, ЭСИЗ БУЮМЛАР

Комбинат фаолияти билан танишишда давом этамиз. Замонавий техника-ускуналар билан жиҳозланган каттагина шарбат цехининг асосий участкаси ишламай турибди, ишчилардан ҳеч ким йўқ. Сабабини сўрадик.

— Янгийўл пластмасса заводи шиша қопқоқларини жуда ёз юборяпти. Қопқоқлар тугагани учун агрегат тўхтаб қолди, — деди директор Озод Хўжаев.

— Нега кам юборяпти?

— Улардан қарзимиз кўпайиб кетибди. Олдин қарзни узинглар, кейин берамиз, дейишяпти.

Цех ичкарисига кирганимиз сари хўжасизликнинг манаман деган «намуна»сига дуч келардик. Турли-туман хоналарда шишаларда тайёр шарбатлар, брак ишланган маҳсулотлар (эсиз мева-ю меҳнат сарфи!), металл, тахта, шиша чиқиндилари, синган идишлар ва ҳоказолар айқаш-уйқаш бўлиб ётибди.

Тайёр маҳсулотларни жўнатиш ва подъезд темир йўлининг ҳар икки томонидаги юклаш-тушириш майдончаларидаги тартибсизликлардан юрагингиз увишади. Умумий қиймати бир неча миллион сўмни ташкил этадиган хилма-хил керакли буюмлар уюлиб ётипти. Кўпи яроқсиз ҳолга келган. Ҳар бири 350 — 500 килограммлик қоғоз рулонларнинг ҳоли аччнарли. Улар бир неча вагонни ташкил этади. Кўпчилиги ёрилган, йиртилган ва титилган. Маълум бўлишича, қоғоз ўрамлари вагонлардан туширилаётганда эҳтиётсизлик қилинган.

Темир йўл ёнидаги юклаш-тушириш майдончалари ва комбинат ҳовлисида ўрами бузилган ва бузилмаган жуда кўп ноёб механизм ва ускуналар очиқ ҳавода бетартиб турибди. Улар Симферополь ва бошқа шаҳарлардан ўтган йили ва шу йилнинг бошида келтирилган.

— Уларнинг бир қисмигина бизга қарашли. Қолгани бошқа консерва корхоналарига жўнатилади, — деди директор.

— Цехлар реконструкция бўляптими?

— Ҳа, баъзи цехларни реконструкция қиламиз. Каттагина тунука банка цехи ҳам қуряпмиз. Ускуналар ўша янги цехга ўрнатилади.

Бу цехнинг эса бетон деворлари тикланиб, томи ёпилганча қолиб кетган. Қурилиши ўтган йилнинг бошида бошланган тунука банка цехи 1985 йилнинг ўрталарида ишга туширилиши лозим эди (ишга туширилиш муддати ҳақида директор ва бош инженер Шуҳрат Мелиевнинг гаплари бир хил бўлмади). Бироқ машина ва ускуналарни ўрнатиш, пардозлаш ишларини бошлаб юбориш учун меҳнат фронти яратилмаган.

Ишнинг чала-ярим ҳолида аросатда қолишига сабаб шу эканки, цех қурилишининг лойиҳа-смета ҳужжатида катта-катта камчиликларга йўл қўйилган. Бош пудратчи — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг 6-қурилиш трести билан буюртмачи корхона — консерва комбинатининг бу ишда ҳамжиҳат бўла олмаганликлари, умумий тил топиша олмагани давлатга қимматга тушди.

Дарвоза яқинида яна бир яп-янги агрегат занглаб, чанг босиб ётибди.

— Шиша ювадиган бу машинани Ғалаба районидаги алкоголсиз ичимликлар заводи адашиб бизга юборган. У бизга ҳам керак эмас. Фурсат топсак, қайтариб юборамиз, — деди бош инженер лоқайдлик билан.

Бошқа цехларда ҳам аҳвол яхши эмас. Айниқса, томат ва картон-тара цехларидаги аҳвол ғоят ачинарли. Томат цехининг қуйиш участкаси хонасини сув босиб кетган. Тўпиқдан келадиган сув шу ерда ишлаётганларга халақит бериб турган бўлса-да, уни бартараф этишга ҳеч ким ошиқмас эди.

Лоқайдлик, хўжасизлик ва ўзибўларчилик комбинатда кундалик оддий бир ҳолга айланиб қолган. Нуқсонларнинг сабабларини корхона раҳбарлари ишчи кадрлар ва мутахассислар етишмаслиги билан изоҳламоқчи бўлишди.

Ҳақиқатан ҳам кадрлар қўнимсизлиги жуда катта. Чунки, цехларда иш мароқли эмас, ишчиларга қулай шароит яратилмаган. Қўлда бажарилаётган ишлар салмоғи ортиқ. Аслида комбинат замонавий усулда, янги ускуналар билан жиҳозланиб, 1978 йили қуриб ишга туширилган.

Подъезд темир йўлининг юклаш-тушириш майдончаларидаги ишлар ҳам механизациялаштирилмаган. Шу сабабли бу ерга кириб келган ҳар бир вагон нормадаги 2,2 соат ўрнига темир йўлга 8,7 соатда қайтарилмоқда. Бу ҳол ўтган 9 ойда 6682 сўм жарима тўлашга олиб келди.

4. ЎЗГАДАН САХОВАТ КУТИБ...

Шуни ҳам айтиш керакки, қишга тайёргарлик ва уни ўтказишда бу ерда ўзига хос «антиқа усул» бор экан. Цехларда, хусусан, қишда иссиқлик энергиясига эҳтиёж катта бўлади. Бу — ўз-ўзидан тушунарли. Лекин шунга қарамай, комбинат ҳалигача ўзининг иссиқлик ҳосил қилувчи цехига эга эмас. Шу сабабли у қишнинёзин Қибрай алкоголсиз ичимликлар комбинати етказиб берадиган иссиқликка кўз тикиб ўтиришга ўрганиб қолган. Ҳатто ўтган йилнинг ёзида корхонага қозонхона қуриш ва бунинг учун тегишли моддий ёрдам таклиф этилган эди. Таклиф қабул қилинмади. Қозонхона эса Қибрайдаги комбинатга бериб юборилди.

Комбинатда одамлар ўзларига эътибор ва меҳрибонликни сезишмаяпти. Шу сабабли уларда ўзибўларчилик кайфияти ҳукмрон. Интизомсизлик, прогул қилиш бу ерда нохуш ҳодиса ҳисобланмайди. Биргина факт келтирамиз: тўққиз ойда 827 ишчи-куни йўқотилган.

Янги Тошкент консерва комбинати раҳбарлари ва мутахассислари нимани кўзлаб қадам босишяпти?

Муҳтарам директор! Айтайлик, хонадонингизда битта стул қийшайиб қолса, дарҳол рослаб қўясиз, бирор буюм ножўя турса, уни авайлаб, эҳтиётлаш чорасини кўрасиз. Бунга аминмиз. Лекин давлат мулкини сақлашга-чи? Неча миллионлаб сўмлик халқ хўжалиги буюмлари қаровсизликдан рангтусини йўқотиб ётса-ю, нахотки буларга ачинмасангиз? Таажжуб!

Ўзбекистон ССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги раҳбарлари ҳам комбинат территориясини бир айланиб чиқсалар, цехларни кўрсалар, зарар қилмас эди!

С. ЖЎРАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

РЕКЛАМА ЭЪЛОНЛАР

ПАХТАНИ ЁНҒИНДАН САҚЛАНГ

Колхоз ва совхоз, пахта тозалаш заводлари ҳамда пахта тайёрлаш пунктлари раҳбарлари, гражданлар! Ҳозир пахта йиғим-терими ҳал қилувчи паллага кирди.

Бу вақтда далада, хирмон ва пунктлардаги пахтани авайлаб асраш, нобуд бўлишига йўл қўймаслик керак. Агар ёнғин туфайли бир тонна пахта бой бериладиган бўлса, 4320 метр газлама, 120 килограмм ёғ, 240 килограмм кунжара, 15 килограмм кир совунидан маҳрум бўламиз. Шунинг учун ҳам пахтани нобуд бўлишдан, жумладан ёнғиндан сақлаш учун ҳамма чорани кўриш зарур.

Пахта ташиладиган ва хирмонларга яқин жойларда ишлайдиган барча автомашиналар, тракторлар, пахта териш машиналари учқун ўчиргичлар, олов ўчиргичлар, сув тўлатилган фляга ва белкураклар билан комплектланган бўлиши шарт. Барча агрегатларнинг ёнилғи ва ёниш системалари синчковлик билан созланиши зарур. Ярим кузовли автомобиллар пахтага учқун сачратмаслиги учун унинг тутун чиқариш трубалари пухталик билан муҳофаза қилиниши керак. Пахта автомашина ёки трактор прицепига ортиб бўлингач, устига брезент ёки ёнмайдиган газлама ёпилиши зарур.

ҚУЙИДАГИЛАР ҚАТЎИЯН МАН ҚИЛИНАДИ:

— далада ишлаётган пахта териш машиналарида, пахта тўплаб қўйилган жойга 30 метргача яқинликда, пахта ташиётган автомашина, тракторларда; теримчилар жойлаштирилган тунги ухлаш жойларида чекиш. Ухлаш биноларида эшикни пухта ўрнатмаслик, улар яқинига печкалар ўрнатиш, деразаларга металл тўр қоплаш, очиқ ҳолда олов манбалари ва шамлардан фойдаланиш, ухлаш жойларининг остига пичан, сомон, қипиқлар тўшаш, хонани иситиш мақсадида электр приборлари ва қўлда ясалган иситиш мосламаларидан фойдаланиш, кийимларни дазмоллаш, хонани ёритишда қуввати 150 ваттдан юқори электр лампочкаларини ёқиш;

— пахта ортилган автомашина кузови ва прицепларида одам ташиш;

— овқат тайёрлаш мақсадида пахта қуритилаётган ва сақланаётган жойдан 100 метргача яқинликда олов ёқиш, сув иситиш, тандир қуриш, шунингдек трактор, автомобиль ва пахта териш машиналарининг тўхтаб туриши;

— автомашиналар ва тракторлар пахта хирмонига учқун тутқич мосламаси билан 5 метргача, учқун тутқич мосламаларисиз эса 30 метргача, нарида тўхташи керак;

— йўлларнинг ўтиш қисмида, шунингдек, бевосита тупроқда ва шағал жойларда пахта қуритиш. Колхоз ва совхозларда терилган пахтани махсус асфальтланган ёки бетон қопланган майдончаларда қуритиш зарур;

— печларда осон алангаланувчи ва ёнувчи ёнилғилар (солярка, керосин, бензин ва ҳоказолар) ёқиш.

Колхоз ва совхозлар далаларига минглаб ҳашарчилар кўмакка чиқдилар. Уларни жойлаштириш, қулай шароит яратиш керак. Бироқ улар баъзи ҳолларда яхши жиҳозланмаган ва тайёрланмаган биноларга жойлаштирилмоқда. Шунинг учун совуқ тушиши билан ҳашарчилар ўзлари ясаган иситиш приборлари ва электр плиталарни ишлатадилар. Кўпинча иссиқ ичимликлар тайёрлайдилар, сув иситадилар. Агар шундай ҳолларда хўжалик раҳбарлари уларнинг яшаш шароити ҳақида ғамхўрлик қилмасалар, шаҳарлик ёрдамчиларнинг бўш вақтларини кўнгилли ташкил этмасалар, ана шуларнинг ҳаммаси ёнғин хавфини келтириб чиқаради.

Юқорида айтилган эҳтиётсизлик туфайли ёнғин чиқиш хавфининг олдини олиш мақсадида теримчилар жойлаштирилган терим мавсумида фойдаланилаётган биноларнинг созлиги ёки носозлигини идораларо комиссия — хўжалик, касаба союз комитети, район электр тармоқлари, санитария инспекцияси, давлат ёнғин назорати вакиллари пухта ва синчковлик билан текшириб чиқишлари шарт. Барча теримчилар ёнғинга қарши режимга риоя қилишни тушуниб олганликлари, зарур йўл-йўриқларни олганлиги ҳақида тилхат беришлари лозим ва улар орасидан ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш бўйича масъул кишилар тайинланадилар.

— Теримчилар ва ҳашарчилар жойлаштирилган бино ва унинг бутун территорияси ахлат ва қуруқ хашаклардан яхшилаб тозаланиши керак. Ҳар бир алоҳида қурилган барак, дала шийпони (агар ариқ ўтмаган бўлса) ёнида камида 50 кубометр сиғимли сув ҳавзаси қурилиши керак. Теримчилар яшаб турган бинода 2 та эвакуация чиқиш йўли бўлиши лозим. Теримчилар истиқомат қилаётган биноларда фақат электр мосламаларини ўрнатиш ва улардан фойдаланиш қоидалари талабларига жавоб берадиган электр ёритгичларни ишлатишгагина рухсат этилади. Бундай электр мосламаларини вақтинча ўрнатиш ва улардан фойдаланиш мумкин эмас. Хоналарни иситиш учун томгача вертикаль тутун йўли бўлган доимий ғишт деворли печлар ўрнатиш зарур. Муваққат металл печлар қуриш тақиқланади.

Печларни ёқишга масъул шахслар тайинланади, печни ёқиш 3 соатдан ошмаслиги ва одамлар ухлайдиган вақтдан 2 соат олдин олов ўчирилиши керак.

Ёқиб қўйилган печни қаровсиз қолдириш мумкин эмас. Теримчилар жойлаштирилган бинолар кўпикли ўт ўчиргич ва сув солинган бочкалар билан таъминланган бўлиши шарт. Бу бочкаларнинг сув сиғими 200 литрдан кам бўлмасин. Алоҳида баракларда яшовчи кишилар хонасида телефон ёки ўт ўчирувчиларни ёрдамга зудлик билан чақириш учун радио-алоқа воситаси бўлиши керак.

Ўзбекистон республика кўнгилли ўт ўчириш жамияти.

СПОРТ

ФУТБОЛ:

ЧЕМПИОНАТ ЯКУНИДА

Биринчи лига коллективлари ўртасида мамлакат чемпионатининг якунловчи тур учрашувлари бўлиб ўтди. Тошкентнинг «Пахтакор» командаси сўнгги учрашувни ўз майдонида Смоленскнинг «Искра» коллективи билан ўтказди. Учрашув бошидаёқ команда капитани Г. Денисов дарвозага йўллаган ягона тўп пахтакорчиларга ғалаба келтирди. Футболчиларимиз бу билан жами ғалабаларини 14 тага етказиб, 40 очко билан иккинчи ўринга кўтарилишди.

Жиззахнинг «Звезда» командаси Кемеровонинг «Кузбасс» коллективини қабул қилди. Учрашувда меҳмонлар 4:1 ҳисобида ғалабага эришдилар. «Звезда» футболчилари «Б» группасига кирувчи коллективлар орасида охирги ўринда қолди. Энди улар иккинчи лиганинг зона ғолиблари билан биринчи лигага ўтиш-қолиш учрашувларида иштирок этадилар. Жумладан, «Звезда» Янгийўл районидаги Усмон Юсупов номли агросаноат бирлашмасининг «Соҳибкор» командаси билан дастлабки учрашувни ўтказади. Шунингдек, улар «Таврия» (Симферополь) ҳамда «Россельмаш» (Ростов-Дон) командалари билан ўзаро баҳслашадилар.

Сўнгги турнинг қолган икки учрашуви қуйидагича якунланди: «Крилья Советов» — «Нистру» — 2:0, «Кубань» — «Металлург» — 0:0.

«Б» группасига кирувчи командаларнинг тутган ўрни қуйидагича:

	Ю	Д	М	Т	О
Металлург	16	8	14	49-52	40
Пахтакор	14	13	11	48-38	40
Кузбасс	17	5	16	62-52	39
Спартак	17	4	17	49-52	38
Гурия	15	7	16	50-52	37
Кубань	13	8	17	51-50	34
Нистру	12	8	18	38-54	32
Кр. Советов	10	13	15	36-42	32
Искра	8	8	22	27-48	24
Звезда	7	8	23	37-78	22

ОБ-ҲАВО

Синоптикларнинг хабар қилишича, Ўзбекистонда ҳаво ўзгариб туради. Фарғона водийсида ва республика жанубида ёғингарчилик бўлмайди. Қолган территорияннг баъзи жойларига бир оз ёмғир ёғади. Жануби-шарқдан, сўнгра ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси ҳарорат 6-11 шимолда 0-5 даража, кундузи 16-21, жанубда 24-29 даражагача, шимолда 5-10 даража иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, кечга томон бир оз ёмғир ёғади. Жануби-шарқдан, сўнгра ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси ҳарорат 8-10, кундузи 17-19 даража иссиқ бўлади.

(ЎзТАГ).

«Совет Ўзбекистони»нинг навбатдаги сони 31 октябрда чиқади.

29 ОКТЯБРЬ, СЕШАНБА

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.40 — Концерт. 10.10 — Фильм-спектакль. 13.10 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.25 — «Москва комсомолининг ишлари». 16.55 — «Серташвиш ёшлик». Бадиий фильм. 18.30 — Концерт. 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — «Сиз яратган боғ». 20.00 — Фильм-концерт. 20.20 — Телефильм. 20.30 — «Сохта барон». Бадиий фильм. 21.30 — «Время». 22.05 — Телефильм. 23.05 — «Дунё воқеалари».

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Телефильм. 9.35 — Тарих. 10.05 — Француз тили. 11.05 — «АБВГДейка». 11.35 — Музика. 12.05 — Шахмат мактаби. 13.10 — Табиатшунослик. 14.00 — Совет тасвирий санъатида инсон образи. 14.30 — Умумий биология. 15.00 — «А. Гайдарнинг ҳаёти ва китоблари». 15.45 — «Ҳал қилувчи жанг». 16.30 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — «Кинотомошабин ҳамроҳи». 19.30 — «Музикали киоск». 20.00 — Ю. А. Жуков суҳбати. 20.30 — «Хайрли тун, кичкинтойлар». 20.45 — «16 ёшгача ва ундан катталар». 21.30 — «Время». 22.05 — «Беҳаловат ёз». Бадиий фильм. 23.15 — Хоккей. «Динамо» (М) — «Торпедо».

ТОШКЕНТ-I. 7.30 — Ритмик гимнастика. 7.50 — Мультфильм. 8.00 — «Пионер телетайпи». 8.10 — «Тонгги таронолар». 8.20 — Телефильм. 8.30 — «Ахборот». 8.55 — Телефильмлар. 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — «Ёшлик». 19.30 — «Ахборот». 19.50 — Халқаро аҳвол кундалиги. 20.00 — «Инсон ва табиат». 20.30 — «Ахборот». 20.55 — «Ёшлигимиз сенга, Ватан!». Концерт. 21.30 «Время». — 22.05 — «Хирмонингизга барака». 23.15 — Телефильм.

ТОШКЕНТ-II. 9.00—16.35 — Москва-II. 19.20 — Адабиёт. 19.50 — Телефильм. 20.00 — Тошкент янгиликлари. 20.20 — «Комсомолдан ўрнак ол». 20.50 — Кинопрограмма. 21.30 — Москва-II.

РАДИО

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Концерт. 9.30 — «Ассалом, келажак!» Кантата. 11.15 — Болалар учун эшиттириш. 12.10 — «Ишчинома». 13.00 — «Чорвадор». 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 16.00 — «Фан ва техника». 17.00 — Ўқувчилар учун эшиттириш. 18.15 — «Фан уфқлари». 18.30 — Болалар учун эшиттириш. 18.40 — «Огонёк». 19.25 — «Ёшлик». 20.15 — «Халқаро аҳвол кундалиги». 20.30 — Чолғу куйлари. 21.00 — «Шарқ юлдузи» журнали саҳифаларида» 21.20 — Концерт. 22.30 — Ёшлар ва студентлар учун концерт. 22.30 — «Тинглаб, дам оламиз».

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53 16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.